

Бизнинг икки нафар фарзандимиз бор. Яна саккиз нафар болани ўз тарбиямизга олоқчимиз. Лекин васийлик ва ҳомийлик органи ходимлари олти нафардан ортиқ болани олишга ҳақли эмассизлар дейишмоқда. Шу тўғрисида?

5 бет

Барнаул шахри чеккасидаги бир қишлоқ. Ёланганлар картошка кавлашмоқда. Пулимизни берар, ҳамюрт-ку, мусулмон фарзанди бўлса, унинг ҳам бола-чақаси бор-ку, ахир, деган андиша билан 18 кун ҳалол меҳнат қилдилар...

8 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ҳуқуқ

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2011-йил 17-noyabr, №46 (775)



18 ноябрда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганига 20 йил тўлади



латнинг расмий идоралари, алоҳида тижорат корхоналари, ташкилотлари, ҳарбий ва савдо кемаларида кенг қўлланиб келинмоқда. Давлат байроқларидан ташқари, миллий, халқаро ташкилотлар, савдо ва ҳарбий байроқлар ҳам мавжуд бўлади.

Қизил империя даврида халқимизнинг тарихи, руҳияти, анъаналари, маданияти том маънода акс эттирилмади. Давлат рамзлари сунъий равишда кундалик ҳаётимизга киритилди. Зеро, мустақиллик шабадаси уларни қисқа вақт ичида воқелигимиздан супуриб ташлади.

Мустақиллигимиз қўлга киритилган дастлабки кунларда-ноқ юртимизнинг рамзларини белгилаб олиш борасидаги ишлар жадаллашди. Ўзбекистон давлат байроғи ҳамда гербининг чизмаларини тайёрлашда республикамизнинг таниқли рассомлари, тарихчилари, санъатшунослари, маданият ва санъат арбоблари, ҳуқуқшунос-лик ҳамда бир қатор бошқа соҳа мутахассисларидан таркиб топган комиссия иш олиб

Жорий йил 15 ноябрда Фуқаролик жамияти шакллани-
шини мониторинг қилиш мустақил институти билан
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий
ўқув курслари ҳамкорлигида "Фуқаролик жамияти ин-
ститутиларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда
ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлиги-
ни ривожлантириш масалалари" мавзусида давра суҳба-
ти бўлиб ўтди.

Ҳамкорлиқни ривожлантириш йўлида

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Давра суҳбатида мамлака-
тимизда фаолият олиб бора-
ётган ҳуқуқни муҳофаза қилув-
чи органлар, жумладан, Рес-
публика Бош прокуратураси,
Олий суд, Адлия вазирлиги,
Ички ишлар вазирлиги, Адво-
катлар палатаси, Инсон
ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси Миллий марка-
зи, Олий Мажлисининг Инсон
ҳуқуқлари бўйича вакили (Ом-
будсман), фуқаролик жамия-
ти институтлари вакиллари
ҳамда оммавий ахборот воси-
талари ходимлари иштирок
этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар
томонидан фуқаролик жамия-
ти институтларининг инсон
ҳуқуқларини ҳимоя қилишда
ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органлар билан ҳамкорлиги-
ни ривожлантириш масалала-
ри, бу борада прокуратура,
адлия, ички ишлар идорала-
ри, адвокатуранинг ўрни
ҳақида тўхталиб, мазкур ҳам-
корлиқнинг ташкилий-ҳуқуқий
асослари батафсил таҳлил
этилди. Шунингдек, мамлака-
тимизда инсон ҳуқуқларини
ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳо-
фаза қилувчи органлар ҳамда
фуқаролик жамияти институти-
лари ўртасидаги ҳамкорлиқни
самарали ташкил этишининг
янги усул ва шакллари ҳақида
фикрлар билдирилди.

Бундан ташқари, Прези-
дентимиз Ислам Каримов то-
монидан Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий Мажлиси Қонун-
чилик палатаси ва Сенатининг
2010 йил 12 ноябрда бўлиб
ўтган қўшма мажлисидаги

"Мамлакатимизда демокра-
тик ислохотларни янада чу-
қурлаштириш ва фуқаролик
жамиятини ривожлантириш
концепцияси" номили маъру-
засида фуқаролик жамияти
институтиларининг янада ри-
вожланишига эришиш, амал-
га оширилаётган ислохотлар-
нинг ошқоралиги ва самара-
дорлигини таъминлаш, улар-
нинг ролини кучайтиришда
"Ижтимоий шерикли тўғри-
сида"ги ва "Ўзбекистон Рес-
публикасида жамоатчилик на-
зорати тўғрисида"ги Қонун-
лар лойиҳасини ишлаб чиқиш
юзасидан тақлиф берилган-
лиги ва ушбу қонуннинг қабул
қилиниши мамлакатимизда
кучли фуқаролик жамияти
барпо этилишида муҳим
аҳамият касб этаётганлиги
алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбирда, шунингдек, жа-
миятда нодавлат нотижорат
ташкилотлар ва бошқа фуқаро-
лик жамияти институтлари
ролининг ортиб бораётганли-
гини эътиборга олган ҳолда,
уларни мазкур фаолиятга
жалб этиш, инсон ҳуқуқлари-
ни ҳимоя қилишда қонуний-
ликни таъминлаш ва барча
шаклдаги ҳуқуқбузарликлар-
нинг олдини олишда фуқаро-
лик жамияти институтлари-
нинг куч ва имкониятларидан
самарали фойдаланиш меха-
низмларини янада такомил-
лаштиришдан иборат эканли-
ги эътироф этилди.

Мустақиллигимиз рамзи

Қадим замонларданок бай-
роқ мустақил давлат ва халқ-
нинг рамзи сифатида баҳола-
ниб келинган. Давлат байро-
ғининг баланд кўтарилиши
янги давлат эълон қилингани-
нинг биринчи даражаси, анъ-
анага кўра тантанали маросим
ҳисобланади. Байроқ азал-
азалдан миллий номусни ифо-
да этиб келган, шу сабабли у
ўз мамлакатида ва унинг таш-
қарисида муҳофаза қилинади.

Юртимиз саховатли замин.
Унинг халқи асрлар қарига чу-
қур илдиш отган бой маданий
ҳамда сиёсий анъаналар соҳи-
би ҳамдир. Ўтмишда туркийза-
бон халқларнинг узоқ даврлар
давомида ўз давлатчилигига
дахлдор сиёсий-ҳуқуқий тафак-
кури билан жaxon тараққиётига
катта ҳисса қўша олган муқад-
дас идрок эгаси эканликлари
маълум. Уларда ҳам ўзларининг
рамзлари, шартли белгилари
бўлиб, ушбу рамзларда маълум
белгилар: мавжудот, одамлар
тасвири ифодаланиб, улар халқ,
миллатнинг турмуш тарзи, ру-
ҳияти, анъаналари ва тарихи
билан узвий боғлангандир.

Тарихий манбалар шундан
далолат берадики, эрамининг
565-803 йилларида ҳукм сур-
ган авар салтанатининг яшил
байроғи марказида от устида
камон отаётган жангчи, ғазна-
вийлар (963-1183 йиллар) бай-
роғининг яшил матосида эса
ярим ойга боққан тову тасвир-
ланган. Хоразмшоҳлар салтана-
ти (1157-1231 йиллар)нинг бай-
роғи қора рангда, буюк Амир
Темур давлатининг (1368-1501
йиллар)даги байроғи мовий

рангда бўлиб, унинг марказида
дунёнинг уч қитъасини акс эт-
тирувчи учта юмалоқ шаклдаги
жисм ифода қилинган эди. Бо-
бур салтанати давридаги (1528-
1858 йиллар) байроқнинг учбур-
чак шаклдаги қисмида сариқ
ранг, унинг икки ёнида эса
қизил ранг мужассамланган. Бу
ранглар ўз даврининг талқини-
га кўра, жасорат ва нурли ҳаёт
тимсоли бўлган.

Ҳар бир мамлакат унинг су-
веренитетининг тимсоли
бўлган ўз давлат рамзлари —
байроғи, герби ва мадҳиясига
эга бўлади. Давлат рамзи тур-
ли мамлакатлар халқларини
тўққинлантирувчи маълум го-
яларни, тушунчаларни, ҳиссиёт-
ларни, интилишларни ифода-
лайди. Шу тўғрисида ҳам дав-
латлар қадим замонлардан
бери энг ифодали тасвирий
ҳамда товушли рамзларга му-
ҳим аҳамият бериб келганлар.

Шундай рамзлардан бири
байроқ ҳисобланади. Байроқ-
лар инсоният тарихи билан
чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар
ўтмишдаги оламшумул воқеа-
лар, саналар, улкан жанг-
даллар, буюк жуғрофий каш-
фиётлар, халқларнинг муста-
қиллик учун курашлари шоҳи-
ди ҳамдир. Эндилеккида ер ку-
расидаги бирон-бир давлатни
ўз рамзларисиз, хусусан, ўз
байроғисиз тасаввур қилиш
қийин. Ҳозирда 190 дан ортиқ
давлатлар ўзларининг хилма-
хил, ранг-баранг байроқлари-
га эгалар.

Байроқлар мамлакатларнинг
кундалик ҳаётида катта аҳа-
мият касб этиб, авваламбор, дав-

борди. Давлатимизнинг бай-
роғи тасвири умумхалқ муҳо-
камасига олиб чиқилиб, танлов
эълон қилинди. Шундан сўнг,
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат байроғи Республика
Олий Кенгашининг навбатдан
ташқари VII сессиясида 1991
йилнинг 18 ноябрда тасдиқ-
ланиб, "Ўзбекистон Респуб-
ликасининг Давлат байроғи тў-
ғрисида"ги Қонун билан муста-
хкамланди. Шунингдек, Ўзбе-
кистон Республикаси Консти-
туциясининг 5-моддасида қайд
қилинганидек, давлат сувере-
нитетининг рамзи ҳисобланган
давлат байроғи факатгина дав-
латнинг тимсолигига бўлмай,
балки унга миллий тимсол сиф-
атида қаралмоғи лозим.

Мазкур қонун давлат байро-
ғининг тасвири, унинг қўлла-
ниш тартиблари, уларга риоя
қилиш билан боғлиқ масъули-
ят юклатилган жавобгар шахс-
ларни белгилловчи қондалар
мустахкамланган ҳуқуқий ҳуж-
жатдир. Жумладан, қонуннинг
5-моддасида давлат байроғи
доимий суратда кўтарилиши
лозим бўлган ташкилот, идо-
ралар; маросим ҳамда тадбир-
лар кўрсатилган. 8-моддада
эса давлат байроғи қай ҳолат-
да осилиши кўрсатилган бўлиб,
унга асосан 45 градус бурчак
ҳосил қиладиган тарзда кўта-
рилиб, ердан камида 2,5 метр
баландликда бўлиши керак.
Ҳуқуқий ҳужжатнинг 11-12-мод-
даларида қонунда баён этил-
ган талабларга риоя қилиниши
учун масъул раҳбарлар ҳамда
ташкилотлар қайд этилган.

[Давоми 3-бетда]

Обуна — 2012

Ҳурматли юрtdошлар!

2012 йилда ҳам
"HUQUQ" газетаси

Сизнинг энг яқин

ҳамкорингиз

бўлиб қолади.

Газетамизга «Матбуот

тарқатувчи» АК ва барча

почта бўлимларида обуна

бўлишингиз мумкин.

ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАН!

НАШР ИНДЕКСИ — 231



Ҳамкорликнинг ойдин йўли

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида жорий йилининг ўтган даври мобайнида Норин туман прокуратураси томонидан бир қатор текширишлар ўтказилди. Натижасига кўра, қонунга зид бўлган ҳужжатларга протестлар киритилди. Бундан ташқари, фуқаролик ишлари, солинқа онда қонунчилик ижроси юзасидан ҳамда воғда етмаганлар билан ишлаш борасида олиб борилаётган назорат ишларини қучайтириш ижобий натижалар бермоқда.

Шу ўринда "Фуқароларнинг муҳофизатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан олиб бориладиган текширишларга эътиборингизни қаратсак. Хусусан, юқоридagi қонунчилик ижроси туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимида ҳам ўрганилиб, бир қатор камчиликлар аниқланди.

Чунончи, бўлим бошлиғи, ўринбосари ва мутахассисла-

Шавкатжон АБДУЛЛАЕВ,
Норин туман прокурори

ри томонидан фуқароларни қабул қилиш жадвали ишлаб чиқилмаган. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатларини қайд этиш китобини юритиш ўлда-жўлда қолиб кетган. Шунингдек, бўлимга келиб тушган аризалар бўйича унинг муаллифи билан суҳбатлашилмаган. Уни ўрганиш бўйича мутахассислар ўз хулосасини бермаган. Бундан ташқари, аризаларга тегишли тартибда жавоблар юборилмаган.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлигига келиб тушган муносабатлар ҳам ўрганиб чиқилиб, қатор камчиликлар борлиги аниқланди.

Мисол учун, "Тегиримонбўши" МФЙда яшовчи Ж.Йўлдошевнинг аризаси туман ҳокимлиги бош мутахассиси Ф.Абдунабиевга ижро учун чиқарилган бўлиб, унда туманга филиали мансабдор шахслари томонидан табиий газ ҳақи учун фуқаролар томонидан тўланаётган маблағлар

ўзлаштириб юборилаётгани, бунга чора кўриш лозимлиги кўрсатилган. Аммо негадир Ф.Абдунабиев бу аризани ўрганмаган ёки ўрганишни хошламаган. Шундай бўлганидан кейин, муаллифга жавоб ҳам йўлланмаган.

Давр фермер ва тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг кенг қўлланли фаолияти учун етарли даражада шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан олиб бориладиган текширишлар юзасидан бир қатор мансабдор шахслар келгусида қонунни бузмаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари манфаатлари ҳимоясига жиддий эътибор қаратибгина қолмай, аҳолининг кам таъминланган қатлами ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларни рўйбга чиқариш, меҳнат ва бандлик, соғлиқни сақлаш борасидаги қонунлар ижросини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зотан, юртимизда барча жабҳаларда қонун устуворлигига эришиш олий мақсадга айланган. Бу борада эса, аҳоли ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳаракатларини муҳассамаштириш, маҳалла, ўқув юртлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бундан-да ютуқли, ойдин йўлларга бошлаши муқаррардир.

Нияти пучга чиқди

Қимматбаҳо металллар сирасига кирмайдиган рангли металл парчаларини 2008 йил январь ойидан бошлаб йиғиш бошлаган Жобирбекнинг мақсади уларни сотиб, тез бойиш эди. Номалум кишилардан кунига 50-100 килограммдан сотиб олиб, икки йилдан ортиқроқ муддатда 30 тонна-ю 240 килограммга етказди. Энди буни пуллаши лозим эди.

Шу мақсадда ишга киришган Жобирбек Ғиждувон туманида яшовчи Ш.Ҳикматовнинг ҳамда Қизилтепа туманида яшовчи Ж.Асадов бошқарувидаги "Камаз" русумли автомобиллар эгалари билан гаплашиб, металл парчаларини Сирдарё вилоятининг Оқ олтин туманига етказиб бериш ҳақида келишиб олди.

Шундай қилиб, 2011 йилнинг 10 февралда Ж.Набиевнинг Ғиждувон туманидаги "Армечан" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидagi ҳовлисидан баҳоси 47 млн. 311 минг 356 сўмлик, умумий оғирлиги эса 30 тонна-ю 240 килограмм бўлган металл парчалари машиналарга жойлаштирилди. Келишувга кўра, уқ эгаси автомобилларни Сирдарё вилоятининг Оқ олтин туманида ку-

Соҳиб ЖУМАЕВ,
Қизилтепа туман прокурори
ёрдамчиси

тиб оладиган бўлади. Эртаси кунги яширин йўлдан ҳўжжасиз кетаётган автомобиллар Навбаҳор туманидан ўтаётганларида туман ИИБ ЖК ва УЖКҚБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, улардан рангли металл парчалари ашёвий далил тариқасида ҳолислар иштирокида ҳўжжатлаштириб олинди.

"Металлфурӯш"нинг ноқонуний бойиб кетиш ҳақидаги нияти пучга чиқди. Мазкур қилмишлари учун Ж.Набиев ва унинг жиноий шериклари Ш.Ҳикматов ҳамда Ж.Асадовга қонун олдида жавоб беришга тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 185-1-моддаси 3-қисмининг "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир этган судланувчиларга қилмишлари қимматга тиқди. Суд томонидан Ж.Набиев энг кам ойлик иш ҳақининг 310 баравари (15 млн. 417 минг 850 сўм) миқдорда, Ж.Асадов ва Ш.Ҳикматовларнинг ҳар бири эса энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари (14 млн. 920 минг 500 сўм) миқдорда жарима жазосига тортилди.

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда тадбиркорлик фаолиятининг ўз ўрни, ўз мавқеи бор. Шундай бўлса-да, хусусий бизнес соҳасида носоғлом рақобат муҳитини тўғайраётган, контрабанда йўли билан товар олиб келаётган, хуфийна ишлаб чиқариш билан шуғулланиш орқали иқтисодиётимизга зарар етказяётган сохта тадбиркорлар ҳали-ҳануз учраб турибди.

Қўлболадан эҳтиёт бўлинг

Шуниси ачинарлики, уларнинг орасида қилмишига яраша жазо олган бўлса-да, бундан тегишли хулоса чиқармай яна қўлбола усулда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Жумакул Жумаев ана шундай, худбасига таянмаганлардан бири. У тавдди шундай қилмиши учун илгари ҳам Термиз шаҳар судининг ҳўкми билан жазога тортилган эди. Аммо жазо унга қор қилмаган кўринади. Йўқса, яна қўлбола усулда спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш билан шуғулланармиди?!

Департаментнинг Термиз шаҳар бўлими томонидан ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда Термиз шаҳрида ўтказилган тадбирда Анджон қўчаси 9-йўлда яшовчи Ж.Жумаевнинг "фаолиятига" ҳеч қўйилди.

Шунингдек, бўлимда мавжуд маълумотлар асосида Ж.Жумаев томонидан ишлаб чиқарилган спиртли ичимликларнинг "Тупроққўрган" маҳалласида жойлашган дўкон орқали сотилиш ҳолати юзасидан ўтказилган қўшимча тадбирда савдо дўқони сотувчиси ҳаридорга 2 дон "Денов" ёрлиқли ароқни сотганлиги аниқланди ҳамда воқеа ҳўжидан 32 донa турли спиртли ичимликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Махсулотлар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази лаборатория текширувидан ўтказилганда,

Р.ТУРСУНКУЛОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг
Сурхондарё вилоят бошқармаси маъбуот
гурӯҳи катта инспектори

истеъмол учун яроқсиз, инсон саломатлигига жиддий ҳавф солиши мумкин, деган хулоса олинди.

Шунингдек, Департаментнинг Шўрчи туман бўлими ходимлари томонидан "Бобур" маҳалласида ўтказилган тадбирда фуқаро М.Саидова тегишли тартибда рўйхатдан ўтмаганлиги етмаганидек, тадбирга жалб қилинган фуқаро Ж.Солмева ҳеч қандай ҳўжжатлари бўлмаган, серия ва рақамлари эса бир хил бўлган 550 донa "Денов" ва 50 донa "Сангарда" номли 2026,0 минг сўмлик ароқ махсулотларини сотаётганлиги аниқланди, ароқ махсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Сурхондарё вилоят синов ва сертификатлаш марказининг ушбу икки ҳўлат бўйича берган хулосасига кўра, М.Саидовадан олинган ашёвий далиллар истеъмолчиларнинг ҳаёти ҳамда соғлиги ҳавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги ва истеъмолга яроқсизлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳўлатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

«Ишбилармон» аёлнинг надомати

Муҳаббатхон эридан расман ажрашгандан сўнг болаларини боқиб-кийинтириш учун савдо билан шуғуллана бошлади. Қўлида пича дастмоя йиғилганида улғуржи иш қилишга бел боғлади. Қувасойнинг Мўян қишлоғида танишиб қолган Абиш исми қирғиз йигит алкоголи махсулотларини улғуржи пуллашининг ҳавосини олган экан. Муҳаббатхон у билан гапни бир жойга қўйди. Келгуси сафар 100 та ароққа пул олиб келишини ишпишди. 14 февраль кунги Муҳаббатхон Мўян қишлоғига бориб Абишга учрашди. Йигит пулни санаб олиб, олтига қардон яшиқла ароқларни ажратиб берди.

Муҳаббатхон киракаш енгил машинада Фарғонага йўл олди. Ароқни Симтепа маҳалласидаги ўзининг ҳовлисига туширди. Бир-иккита дўкондорлар билан гаплашиб кўрди. Келишса олмади. "Хўмо" кафесидаги таниши Нарғизага келгусида улғуржи таъминлаш шарти билан пича ён босди. 72 та шишадаги ароқни 200 минг сўмга пуллади.

Дарҳол яна Мўян қишлоғига йўл олди. Йўл-йўлакай Абишга телефон қилиб, 200 та шишага буюртма берди.

Бу галги ароқларнинг шишалари, ёрлиқлари ранго-ранг, нархлари ҳам қақиб олғудай эди.

— Россияда ишлаб чиқарилаётган энг зўрлари, — деди Абиш. — Ҳозир шунақаларининг бозори қаққон.

Нарғизахон бу гал 7 хил 198 донa ароқни киракаш машинага юклаб,

Дилшод ҲАКИМОВ,
СВОЖДЛҚК Департаментининг Фарғона
вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

уйига равона бўлди. Келаси кунги Нарғизахон билан боғланди. Ароқларнинг нархларини келишиб олдилар. Шундан сўнг "Хўмо" кафесида "юк"ни келтиришди. Қўчада қардон яшиқларни машинадан тушираётганларида департамент ходимлари келиб ўзларини таништиришди. Ароқнинг ҳўжжатларини кўрсатишни сўрашди.

— Ҳўжжати йўқ. Улғуржи бозордан олганман...

Ҳолислар иштирокида машинадаги ва бир кун аввал дўқонга келтириб туширилган, жами 270 шиша ароқ ашёвий далил сифатида олинди. Суриштирув мобайнида М.Темирова чет элда ишлаб чиқарилган турли хил ароқларни чеғарадаги Мўян қишлоғида Қирғизистон фуқаросидан сотиб олганини айтиб берди. Истеъмолга яроқчилигини тасдиқловчи бирон-бир ҳўжжати бўлмаган алкогол махсулотини файрқонуний ўтказишга уринган аёлга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судга юборилди. Суд мажлисида М.Темированинг айби тасдиқланди. Қарамоғида уч нафар фарзанди борлиги, айбига иқров ва пушаймонлиги, афсус-надомат чекаётгани, муқаддам судланмагани эътиборга олиниб, 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Ҳўжжасиз бўлган 270 шиша ароқ йўқ қилинди.

Бошқармамиз ходимлари алкоголи махсулотларни хорихдан ноқонуний олиб ўтиб, савдога чиқаришга уринишдан иборат жиноий қилмишларнинг пайини қирқиб устида доимий иш олиб боришмоқда.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган кун

Хусусий мулкчиликнинг ҳуқуқий пойдевори

Иқтисодий муносабатлар ҳар бир жамиятда устуворликка эга бўлган асосий масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабли Конституциямизда бу масалага кенг ўрин берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида иқтисодий муносабатлар масаласига алоҳида боб бағишланиб, унда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига асосланиши таъкидланган. Конституциянинг 53-моддасида: "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуворлигини ҳисобга олиб, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибга яна мулкдан маҳрум этилиши мумкин", дейилган. Асосий Қонунимизнинг 54-моддасига мувофиқ, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича субъектив ҳуқуқ фақат шу мулкнинг эгасига тааллуқли. Таъбиркорлик субъекти ўз фаолияти натижасида чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш, мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф қилиш, шунингдек, маҳсулот етказиб бериш ва истеъмолчиларни эркин танлашга ҳақли.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганининг илк кунарида қўлланган Президентимиз Ислам Каримов бозор муносабатларига ўтишни афзаллиги ҳақида тўхталиб, "Бозор иқтисодиётини барпо этиш шунчаки бир мақсад эмас, барча иқтисодий, демократик, исёний ислохотларнинг пировард мақсадларининг ўзи, бу, энг аввало, инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шaroитларини яратишдир", деган эди. Юртимизнинг юқорида таъкидланган гапни ҳаётга татбиқ этиб, бугунги кунда иқтисодий ислохотларимизнинг бош мақсади — кичик бизнес ва хусусий таъбиркорликни, қишлоқ ҳўжалигида фермерликни кенг ривожлантириш, мамлакат ижтимоий ҳаётида уларнинг салмоғини кескин оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу — жамиятимиздаги кўпгина иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини бермоқда.

Агар соҳадаги ислохотлар иқтисодий ислохотларимизнинг бош йўналишларидан биридир. Чунки мамлакат миллий даромади, яъни валюта тушумининг асосий манбаларидан бири қишлоқ ҳўжалиги эканлиги, аҳолининг кўпчилиги қишлоқларда истиқомат қилиши иқтисодиётнинг ушбу секторини устувор ривожлантиришга тақозо этади. Конституциямизда ўрнатилган нормалар асосида бу йўналишда, энг аввало, қишлоқ ҳўжалиги ислохотларининг ҳуқуқий асослари яратилиши, мулкчилик ва иқтисодий эркинлик тафаккури, эркин рақобат муҳити юзага келтирилди, маъмурий-буйруқчилик иш услубига барҳам берилди, бозор иқтисодиёти тамойили ва механизмлари ишлаш бошлди. Мамлакатда фермерлик ҳаракати кенг қўлач ёйиб, ерлар эгали бўлди.

Энди илгаригидай ер, сув раисники деб эмас, фермер уни ўзиники деб чин дилдан ишлайдиган бўлди.

Таъбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш мақсадида республикада "Таъбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўғрисида"ги, "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунлар, "Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом қабул қилинган бўлиб, назорат қилувчи органларнинг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслиги кафолатланди. Текширишларни ўтказиш даврийлиги мўддатлари белгиланди.

Фақат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича мақсус ваколатли органлар қарори асосидагина таъбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш мумкин.

Ер мулкчилигига оид конституциявий нормаларни ривожлантиришда ҳамда ер муносабатларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида такомиллаштиришда Президентимизнинг 2006 йил 24 июлда қабул қилинган "Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинолари ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлди. Ушбу Фармон иқтисодиётда хусусий мулкчиликни янада ривожлантириш ҳамда таъбиркорларнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаш, хусусийлаштирилган корхоналар билан банд бўлган ер участкаларини давлат мақсадида ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, уй-жой бозори ва ипотекани ривожлантириш учун кучли рабатлантирувчи омиллар вужудга келтирди. Ер майдонларини хусусийлаштириш юридик ва жисмоний шахслар учун бир қатор афзалликлар яратди. Хусусан, юридик шахслар хусусийлаштирилган ерни мулк сифатида ўз ихтиёри билан тасарруф қилишлари, яъни сотиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ижарага бериш, қўшма ёки шўъба корхоналар таъсис қилганда, уларнинг устав жамғармаларига ўзларининг активларини киритиши, молия муассасаларидан кредит олиш учун гаровга қўйишлари мумкин. Фуқаролар томонидан хусусийлаштирилган ер участкаси билан боғлиқ муаммолар доираси ҳам чекланмади. Улар ерни сотиб олишлари, айирбошлашлари, ҳада қилишлари, мерос қилиб қолдиришлари, бошқа шахсларга фойдаланиш учун ёки ижарага беришлари мумкин.

Ваҳоланки, 1963 йил 23 мартда қабул қилиниб, мамлакатимизда истиқлолга эришганга қадар амалда бўлган Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Гражданлик кодексининг 120-121-моддаларида шундай жумладан бор эди: "Гражданларнинг шахсий мулкда битта уй (уйнинг бир қисми) бўлиши мумкин. Агар гражданнинг шахсий мулкда ёки бирга турмушчи эр ва хотин ҳамда уларнинг воғга етмаган фарзандлари ихтиёрида

Рустам ХАЙИТОВ,
Қашқадарё вилояти
прокуратураси бўлим бошлиғи

қонун йўли қўйган асослар бўйича (ҳаля шартномаси, мерос мулк ва бошқалар) уй-жой биттадан ортиқ бўлиб қолса, уй эгаси ўз хоҳиши билан ана шу уй-жойлардан бирини ўз эгалигига қолдиришга ҳақлидир". Бошқа уй-жойини уй эгаси бир йил давомида сотиши, ҳада қилиши ёки бошқача усул билан бировга ўтказиши шарт эди.

Узрли сабаблар бўлган айрим ҳолларда халқ депутатлари район, шаҳар советининг ижроия комитети ортиқча уй-жойни бировга ўтказиш учун қўшимча мўддат белгилаши мумкин, лекин бу мўддат бир йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим эди. Агар уй-жой эгаси ушбу белгиланган мўддат ичида ортиқча уй-жойини, қайси шаклда бўлмасин, бировга ўтказиш ҳуқуқидан фойдаланмаса, бу уй-жой халқ депутатлари район, шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан Ўзбекистон ССР Гражданлик-процессуал кодексига суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда мажбурий суратда сотилиши лозим эди. Бу уй-жойни сотишдан тушган сумма, мажбурий суратда сотиш билан боғлиқ харажатлар қоплангандан кейин шу ўйнинг собиқ эгасига топишларида.

Агар харидор топилмаганлиги сабабли уй-жойни мажбурий тартибда сотишнинг иложи бўлмаса, бу уй-жой халқ депутатлари район, шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига мувофиқ бепул тарзда давлат мулкига ўтказилиб, халқ депутатлари маҳаллий Совети фондида қўйиладди. Ёки ушбу кодекснинг 119-моддаси 2-қисмида "Гражданларнинг шахсий мулкда чорва моллари ва паррандалар боқилиш нормаси (сони) халқ депутатлари шаҳар, посёлка, қишлоқ, овул Советлари томонидан белгиланади", деб қўрсатилган эди.

Баён этилганлардан қўринадики, Совет Иттифоқида фуқароларнинг нечта уй-жойга эга бўлишлари-ю, хонадонларида нечта чорва моли ва парранда боқишлари мумкинлиги ҳам қонунда белгиланар эди.

Ватанимиз истиқлолга эришган, қабул қилинган қонунларда эса фуқароларнинг мулк ҳуқуқларини бирор-бир тарзда чекловчи қондалар мавжуд бўлмасдан, аксинча, илк бор хусусий мулк шакли эътироф этилди ҳамда хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги юқорида таъкидланганимиздек, Конституциямизнинг 53-моддаси билан кафолатланди. Шунингдек, хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 207-моддасида белгиланди. Мамлакатимизда таъбиркорлик ва ишбилармонлик фаолиятининг эркин ривожланишига, кўрсаткичи қувонтирадиган турар жойлар, бошқа қўллаб-қўллашчи инфраструктура ва ишлаб чиқариш иншоотларининг барпо этилишида айнан мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари ва Ҳукумат қарорлари ҳуқуқий пойдевор сифатида замин яратди.

Мустақиллигимиз рамзи

Омонullo MUHAMMADJOHONOV,
ТДЮИ проректори, юридик фанлар доктори

[Давоми. Бошланғичи 1-бетда]

Ўзбекистоннинг байроғи тўқ мовий, оқ ва тўқ яшил ранглардан таркиб топган бўлиб, у қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихий жиҳатдан боғлиқлик ришталарини англатади. Шу билан бирга, давлатимиз байроғи миллий-маданий аъёнларимизни ўзида тўлиқ мужассамлаштирган. Байроқдаги мовий ранг ҳаёт мазмунини акс эттирган мангу осмон ва борлиқ рамзидир. Маънан у яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шўҳрат ва садоқатни англатади. Дарҳақиқат, Амир Темур давлати байроғи ҳам мовий рангда эди. Байроғимиздаги оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги, поклик, беғуборлик, софлик, орзу ва умидлар тозаллиги, ички гўзалликка интилиш белгисидир. Яшил ранг табиатнинг янгилашиш жараёни, саҳийлик, бағрикенглик, шоду-монлик ҳисобланади. Қизил ҳошиялар эса вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётнинг қудрат ирмоқларидир. Нафис ярим ой тасвири бизнинг тарихий аъёнларимиз билан боғлиқ бўлиб, айни пайтда қўлга киритилган мустақиллигимизнинг рамзи ҳамдир.

Юлдузлар ер юзидagi халқлар учун абдиёт, илоҳий тимсол деб саналган. Ўзбекистон Давлат байроғидаги 12 та юлдуз тасвири тарихий аъёнларимиз, қадимги қуёш йилномамизга бевосита алоқадордир. Бу эса, Ўзбекистон сарҳадида истиқомат қилганларнинг илмий таффақурида "Нужум илми" тараққий этганилигини ҳам ифодалайди. Давлат байроғимиздаги ўн икки юлдуз тасвирини ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, қомилликка, ўз заминидa садоқат ва садоқатга интилиш сифатида тушуниш лозим.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга 1999 йил ҳамда 2005 йилларда айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

2010 йилнинг 24 декабрида Президентимиз "Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари тўғрисидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунни имзолади. Мазкур Қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 18 ноябрда қабул қилинган ҳамда Олий Мажлис Сенати томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган. Мазкур Қонундаги ўзгартириш ва қўшимчалар моҳияти хусусида тўхталидиган бўлса, авваламбор, давлат байроғининг доимий равишда айнан қандай биноларда, қандай идораларнинг мажлислар залларида, қандай мансабдор шахсларнинг хизмат хоналарида, қонун ҳужжатлари билан белгиланган байрамлар, сайлов ва референдум кунларида қаерларда, қандай маросимлар пайтида қўтарилиши аниқ ва батафсил белгиланган бўлиши.

Албатта, байроқ — давлат рамзи. У билан Ўзбекистонимизнинг ҳар бир фуқароси ҳар қанча фарҳансга эришди. Аммо давлат байроғини суистеъмол қилиш, унинг элементларини нодавлат ташкилотлар ҳужжатлари рекевизитлари ёки реклама материалларига киритиш мумкин эмас. Чунки демократик жамиятда давлат ташкилоти билан нодавлат ташкилот бир-биридан кескин фарқланади, яъни нодавлат ташкилотларга давлат номидан иш юритиш ҳуқуқи берилмайди. Шундай экан, нодавлат ташкилотлар бланкалари ва бошқа рекевизитларида (жумладан, ҳодимларга бериладиган гувоҳномаларда) давлат байроғининг акс этиши қонунга хилоф ҳисобланади. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг олдинги ҳолатида бу қатъий қоида акс этмаган эди. Аммо байроқ қабул қилингандан бери ўтган йиллар мобайнида жамоат ташкилотлари бланкалари ҳамда бундай идоралар ҳодимларига берилган гувоҳнома сажхаларида давлат байроғини акс эттириш қўчмайб кетди. Янги қонун ана шундай ўзбосишчиликларга чек қўйиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз байроғи эндиликда халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон майдонига собитқадамлик билан кириб бораётган Ўзбекистонни муносиб намоён этапти. Ўзбекистон Республикасининг байроғи жаҳоннинг турли ерларида, чет элдаги дипломатик ваколатхоналар биноларида ҳил-пираб турибди. Шу тариқа у мустақил давлатимиз нуфузининг ортишига хизмат қилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистоннинг давлат байроғи Европа, Америка, Осиё, Африка қитъаларининг турли давлатларнинг, Вашингтон, Берлин, Анкара, Париж, Тейхон, Лондон, Москва, Деҳли, Брюссель каби шаҳарларда марғуру ҳилпирамоқда. Давлатимиз рамзини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳи жойлашган бино олдидаги БМТга аъзо давлатлар байроқлари орасида қўриш эса, айниқса, қувончи ҳолдир.

Байроғимиз юртимизда кенг нишонланадиган умумхалқ байрамларининг ажралмас бир қисми бўлиб қолди. У тантаналарга ўзгача шўхуқ, тароват бағишлаб, обод шаҳар ва қишлоқларимиз ҳўсига ҳўс қўлиш билан бирга, озод юртимизнинг умр-боқийлигини, ёруғ кўнларимизга ишонч ва юксак ватанпарварлик туйғуларини ифода этмоқда.

Ўзбекистоннинг иқтисодий, маданий, ижтимоий ютуқларини хорижда тарғиб қилаётган халқаро кўргазмаларда, турли спорт мусобақаларида ҳам давлатимиз байроғи тез-тез қўтарилади-ган бўлиб қолди. Ватанимизнинг қўллаб-қўллашчи қўлининг ер кўррасининг турли чеккаларида ўтказилаётган спорт мусобақаларида ареналарнинг совринли шўхсўпаларига қўтарилиши-ю, рассомларимиз, санъаткорларимиз, айниқса, ёшларимизнинг турли танлов ва кўргазмалардаги ютуқлари тўғрйлай байроғимизнинг бандан парвози қалбимизда юксак гуруру туйғуларини янада юксалтиради.

Танқид керакми, олқиш?

Бугун мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида олиб борилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойларни қўрган кишининг кўзи қўвонади. Қишлоқлар инфратузилмасини яхшилаш, янги корхоналар ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобида янги иш ўринларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган.

Аммо жойларда учраётган айрим камчиликлар одамларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада эмаслиги, улар ҳақ-ҳуқуқларини лозим даражада талаб қила олмалиги, шу билан бирга, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва ходимларнинг ўз вазифаларини сидқидилдан бажармасликлари натижаси, деб ўйлаймиз. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш борасидаги қўнлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида аниқланган камчиликлар шундай дейишимиз учун асос бўлади.

Хусусан, 2011 йилнинг 9 ойи давомида 525 нафар шахс қўнбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилган бўлса, 696 нафари интизомий, 742 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилган. Қўпол қўнбузилиш ҳолатлари юзасидан 12 та жиноят иши қўзғатилган. Мисол учун, Нукус шаҳрида жойлашган "Улуғ Нукус" МЧЖнинг мансабдор шахслари иккита оҳак печига газ ҳисоблагич

ускунаси ўрнатмаган ҳолда Д-ва Д-20 қувурлари орқали улашиб, табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиши натижасида, "Нукусшаҳаргаз" филиалига 132 млн. сўм миқдорда зарар етказишган. "Қорақалпоғистон извест Нукус" МЧЖ, "РСРП" Нукус АВС курилиш" корхонаси, "Нукус Мобайл" МЧЖлар ҳам шундай қўнбузарлар сирасига киради. Афсуски, бундай мисолларни Беруний, Амударё туманларида ҳам учратиш мумкин. Уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, қўнуний чоралар қўрилиди.

Ачинарлиси, мана шундай қўнбузарликлар эвазига истеъмолчиларни табиий газ билан таъминлашда ҳам турли қийинчиликлар юзага келмоқда. Айниқса, қуз-қиш мавсумида табиий газнинг етарли даражада етказиб берилмаслиги истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаяпти. Шу ўринда аҳоли орасида фойдаланилган табиий газ ҳақини ўз вақтида тўламаётганлар ҳам учраб туришини таъкидлаш жоиз. Ўрмонга ўт кетса, ҳўл-у қуруқ баравар ёнади, деганлари-

Мир САРКИТБОЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокуратураси бўлим катта
прокурори
Нуриддин ОҚЌАЗАРОВ,
«Huquq»

дек, бундай ҳолатдан биринчи галда қўнунга итоаткор фуқаролар жабр чекишмоқда. Маълумотларга қараганда, 2011 йил 1 октябрь ҳолатига Қорақалпоғистон Республикаси бўйича истеъмолчиларнинг табиий газ тўловларидан дебиторлик қарзи 93 млрд. 159 млн. 100 минг сўмни ташкил қилади.

Аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларни электр энергияси билан таъминлашда ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кузатиш мумкин. Хусусан, 2011 йил 1 октябрь ҳолатига истеъмолчиларнинг электр энергияси тўловларидан бўлган дебиторлик қарзи 56 млрд. 620 млн. сўмга тенг бўлган. Биргина мисол: Хўжайли туманидаги "Алтин Қўш Перизод" фермер ҳўжалигига қарашли 3 зона электр сув насоси рухсатсиз электр тармоғига уланishi натижасида "Қорақалпоқ электр тармоқлари" ОХЖга 43 млн. 231 минг сўмлик зарар етказилган. Электр энергиясидан ўғринча фойдаланган субъектлар қаторида "Хўжайли Туран" МЧЖ, "Каттағар темирбетон маҳсулотлари заводи" МЧЖ кабиларни ҳам санаб ўтиш мумкин.

Кишини ўйлантирадиган ҳолатлардан яна бири шуки, аҳолидан коммунал хизматлар ҳақини йиғиб олиш учун масъул бўлган айрим шахслар йиғилган маблағларни кассага эмас, кассага кириш қилиш билан шўғулланишган. Хусусан, "Қорақалпоқпост" ОАЖнинг Хўжайли тумани почта-алоқа тармоғига қарашли ОС-5 бўлими мансабдорлари 2008-2010 йиллар давомида тумандаги 4- ва 16-МФЙ ҳудудидаги 58 нафар фуқаронинг нафақа пулидан табиий газ тўлови учун 866 минг 675 сўм ушлаб қолиб, "Хўжайли тумангаз" филиали ҳисоб рақамига ўтказмасдан, талон-торож қилишган.

Яна текшириш натижаларига қайтсак, ҳисобот даврида етказилган зарарнинг 53 млн. 822 минг сўми жавобгар шахслардан ихтиёрий равишда ундирилган. 217 млн. 481 минг сўмлик зарарни ундириш бўйича судларга 596 та даъво аризаси киритилган.

Ҳадемай, қишли-қировли кунлар бошланади. Ўйлаймизки, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари "қор ёғди-излар босилди", қабилида иш тутмай, истеъмолчиларни табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини қўрадилар.



Қўнуний чоралар кўрилмоқда

Прокуратура органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда бозорлар фаолиятини тартибга солиш ҳамда савдо қондаларининг бузилишига, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарларини сотиш соҳасидаги уюшган жиноятчиликка қарши курашдаги фаолият мувофиқлаштирилиб, бозорлар фаолиятини тартибга солишга қаратилган қўнунларнинг бажарилиши устидан назорат тадбирлари олиб борилаётган.

Ашраф ЖўРАЕВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 5 мартдаги "Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги "Нооziк-овкат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2004 йил 2 сентябрдаги "Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорлари ижроси юзасидан доимий мониторинглар олиб борилаётган.

Жумладан, прокуратура, ички ишлар, давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда Навоий вилоят маркази, туман ва шаҳарлардаги барча деҳқон бозорлари фаолияти ўрганилиб, аниқланган қўнбузилиш ҳолатларини бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Деҳқон бозорларида маҳсулотларни олиб-сотиш билан шўғулланувчи ҳамда маҳсулотларнинг юқори нархда сотилишини суний равишда ушлаб турувчи, деҳқонларнинг бозорларга эркин кириб келишларига тўсқинлик қилувчи, арзонга сотиб кетишни талаб қилувчи шахсларнинг фаолиятини тўхтатиш бўйича тезкор чора-тадбирлар ташкил этилиб, аниқланган ҳолатлар бўйича қўнуний чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ДСКБ ва СКФНҚБ Навоий вилоят бўлими ходимлари томонидан Навоий шаҳридаги "Саховат" МЧЖга қарашли "Марказий деҳқон бозори"да ўтказилган назорат тадбирлари давомида фуқаро Баёд Мухаммадиев тегишли тартибда тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний равишда гўшт маҳсулотларини сотиш билан шўғулланаётганлиги аниқланиб, ундан 275 килограмм гўшт вақтинча саклаш учун ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ушбу ҳолат бўйича маъмурий иш қўзғатилди.

Шунингдек, "Марказий деҳқон бозори"да ўтказилган назорат тадбирлари давомида Г.Нуриллаева, И.Хонжўаева, Н.Асеноваларнинг давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шўғулланиб келишганлиги маълум бўлди. Улар сифат сертификатсиз, пахта чигитидан олинган ёғ маҳсулотларини сотиш билан шўғулланишган. Мазкур ҳолат юзасидан Навоий шаҳар прокуратураси томонидан уларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилаётган.

Шунингдек, Навоий шаҳар ДСЭНМ ходимлари томонидан бозорларда ўтказилган тадбирлар давомида бир қанча фуқаролар табиий қўриқдан ўтиш мuddати ўтган ҳолда, махсус санитария қийимсиз оziк-овкат маҳсулотлари савдоси билан шўғулланиб келишяётгани аниқланиб, уларга бу ҳолатларни зудлик билан бартараф қилиш бўйича тегишли тавсиялар берилган.

Навоий шаҳар ветеринария бўлими ходимлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида ҳам бир қатор салбий ҳолатлар аниқланган. Жумладан, "Гулистон деҳқон бозори"да қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари савдоси билан шўғулланувчи Д.Қурбоновага тегишли узум, И.Қодиров ва томонидан келтирилган анжир, Т.Мирзаев сотаётган қовун текшириб қўрилганда, ушбу маҳсулотларнинг истеъмолга яроқсиз эканлиги маълум бўлган.

Бундан ташқари, тадбирлар давомида вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари аҳолисига арзонлаштирилган нархларда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сотиш бўйича шартномалар тузилиб, тухум, пиёз, картошка маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилди. Шунингдек, вилоятда яшовчи аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олиниб, асосий турдаги қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларидан жами 12243 тоннасининг арзонлаштирилган нархда сотилиши таъминланди.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қўнбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларининг ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки "007" қисқа рақамга қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДКК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарё вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 273-74-81
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва муурожаатларини қўндалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қўнуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Халқ маслаҳатчисининг иш муддати

Судларда иштирок этувчи халқ маслаҳатчилари бир йилда кўпи билан неча кунгача иштирок этиши мумкинлиги тўғрисида тушунча берсангиз ва бу ҳақда норматив ҳужжатлар мавжудми? Уларга тўланадиган иш ҳақини ҳисоблаш қандай тартибда амалга оширилади? Ҳар бир ташкилотдан халқ маслаҳатчиларини сайлаш қандай мезон (ёки Низом) асосида, яъни неча нафар ходим ҳисобидан неча нафар номзод сайланади? Акциядорлик жамиятларида тузиладиган шартномада маблаг ҳаражатларининг сарфланиши тўғрисида моллаар мавжуд бўлиб, бундай маблаглар жамиятнинг соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан жамоа шартномаси тузилганда акциядорлик жамияти ваколатли органи билан келишув қилиш керакми?

М.Абдуллаев, "Фаргонаёғмой" ОАЖ кузатув Кенгаши раиси

"Судлар — тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 62-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ, халқ маслаҳатчилари судлардаги вазифаларини бажариш учун йилга кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддатни узайтиришни тақозо этган ҳоллардан бундан мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Ходимнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажариши, шунингдек, унинг жамият манфаатларига доир қилаётган ҳаракатлари вақтида ушбу вазифаларни бажариш учун қонун билан белгиланган вақтдаги ёки тегишли орган томонидан берилган маълумотномада кўрсатиб ўтилган муддатдаги лимитга мувофиқ ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади. Мазкур меъёр Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган. Ходимларнинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажаришлари, шунингдек, уларнинг жамият манфаатларига доир ҳаракатлари амалга оширишлари билан боғлиқ қарорлати тўловларни бериш таътиби"да белгиланган.

Бундай тўловни ҳисоблаш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Ўртача ой-

лик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш Тартиби"да белгиланган тарзда амалга оширилади. Яъни, жамоат мажбуриятларини бажариш вақтида ходимнинг ўртача иш ҳақи ходимнинг охириги икки календарь ой учун ўртача иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади.

Агар ходим корхонада икки ойдан кам ишлаган бўлса, ўртача иш ҳақи амалда ишлаган вақт учун иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади.

"Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида"ги Низомда белгиланишича, халқ маслаҳатчилари сайлови фуқароларнинг иш ёки яшаш жойидаги ёхуд ҳарбий қисмларнинг ҳарбий хизмат жойидаги йиғилишларида ўтказилади.

Йиғилишлар камида юз сайловчи бўлган меҳнат жамоаларида, ҳарбий қисмларда ва аҳоли пунктларида ўтказилади. Агар сайловчилар сони юз кишидан кам бўлса, халқ маслаҳатчилари сайлови бошқа меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ҳамда бошқа аҳоли пунктларида яшовчи сайловчилар билан биргаликда ўтказилади.

Йиғилишлар йирик муассасалар, ташкилотлар, корхоналар ва ҳарбий қисмларда уларнинг сайловчилар сони камида юз кишини ташкил этувчи таркибий бўлинмаларда ўтказилиши мумкин.

Халқ маслаҳатчилигига номзодлар меҳнат жамоалари,

фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар томонидан, шунингдек, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишлари томонидан кўрсатилади. Номзодлар сони бир нечта бўлиши мумкин. Бироқ, муайян меҳнат жамоаси, ҳарбий қисмнинг ҳарбий хизматчилари ёки фуқароларнинг яшаш жойидаги сайловчилар йиғилишлари қатнашчиларининг яридан кўп овозини олган шахсларгина халқ маслаҳатчилари этиб сайланган деб ҳисобланади.

Набатдаги саволингизга тўхталадиган бўлса, жамоа шартномаси — корхонада иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатдир. Жамоа шартномаси ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солишга ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади.

Меҳнат кодексининг 36-моддасига мувофиқ, жамоа шартномаси, бир тарафдан — ходимлар томонидан касба уюшмалари ёки ўзлари ваколат берган бошқа вакиллик органлари орқали, иккинчи тарафдан — бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар томонидан тузилади.

Нечта бўлиши керак?

Бизнинг икки нафар фарзандимиз бор. Оилавий шароитимиз кўтарганлиги учун турмуш ўртоғим билан яна саккиз нафар болани ўз тарбиямизга оламоқчимиз. Лекин васийлик ва ҳомийлик органи ҳодимлари олти нафардан ортиқ болани олишга ҳаққи эмассизлар дейишмоқда. Шу тўғрисида?

Ўктамхон Воҳидова, Тошкент шаҳри

Уларнинг талаби тўғри. Чунки, "Воёга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида"ги Низомда белгиланишича, фарзандликка олган оиладаги болаларнинг умумий сони, ўз болалари ва фарзандликка олинган болалар билан биргаликда 8 нафардан ошмаслиги керак.

"Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар".

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддаси)

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг info@huquq-gazeta.uz электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб беради.

Болаларники нима бўлади?

Турмуш ўртоғим ўз отасининг исмини сақлаб қолиш мақсадида фамилиясини ўзгартирмоқчи. Агар турмуш ўртоғимнинг фамилияси ўзгарадиган бўлса, мен ҳам шу фамилияга ўтаман. Шундай бўлган тақдирда болалар ҳам фамилиясини ўзгартириши шартми?

Бахринисо Шарифхўжаева, Самарқанд шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 227-моддасида фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш оқибатлари қайд этилган бўлиб, унга қўра, эр (хотин)нинг фамилияси ўзгаририлиши (унга нисбатан оталик белгиланганда ҳам) хотин (эр)нинг ҳамда унинг воғга етган болалари фамилиясини ўзгартиришга сабаб бўлмайди.

Ота-она ҳар иккаласининг фамилияси ўзгартирилганда уларнинг ўн олти ёшга тўлмаган болалари фамилияси ҳам ўзгартирилади.

Агар ота-онанидан бири ўз фамилиясини ўзгартирса, уларнинг ўн олти ёшга тўлмаган болалари фамилиясини ўзгартириш масаласи ота-онанинг келишувига биноан, бундай келишув бўлмаганда эса, васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан ҳал этилади.

Ота исмининг ўзгартирилиши унинг ўн олти ёшга тўлмаган болаларининг ота исми, албатта, ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Қайси ташкилот қарайди?

Биз кўп қаватли уйла турамиз. Лекин шунга қарамасдан, айрим қўшнилариимиз хонадонларида ит ва мушук боқишади. Улар бу каби ҳайвонларини сайрга олиб чиқишганида уларга яқин боришга ҳам қўрсак. Сабаби улар қутуришга мойил ҳайвонлар ҳисобланади. Айтингчи, бундай ҳайвонларни эмалайдиган ва рўйхатга оладиган ташкилот борми? Бунинг устидан ким назорат қилади?

Зулайхо Умарова, Чилонзор тумани

Аҳоли пунктларида итлар рўйхатга олиниши ва ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказилиши тегишли давлат ветеринария бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш Қоидалари"да белгиланишича, рўйхатга олиш итларни дастлабки вакцинация қилишда амалга оширилади. Итларни рўйхатга олишда эгаларига белгиланган тартибда итларни рўйхатга олиш гувоҳномаси берилади.

Ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказиш итларни тақдоран вакцинация қилишда амалга оширилади. Бу ҳақда итларни рўйхатга олиш гувоҳномасига тегишли белги қўйилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли давлат ветеринария бўлимларига итларни қутуришга қарши ўз вақтида вакцинация қилиш учун итларни сақлайдиган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни маълум қилади.

Зотидан қатъи назар, 3 ойликдан бошлаб итлар вакцинация қилиниши керак. Янги сотиб олинган итларнинг вакцинация қилинган муддати номаълум бўлса, сотиб олингандан кейин бир ҳафта муддатда вакцинация қилиниши ва рўйхатга олиниши керак.

Итларни рўйхатга оладиган давлат ветеринария бўлимлари:

вакцинация қилишда харажатлар белгиланган тартибда қопланган ҳолда рўйхатга олиш гувоҳномасини ва жетон шаклидаги рўйхатга олиш белгисини (итнинг бўйинбоғига маҳкамланади) ёки микро-чиплар (тери остига киритилади) беришга;

итларнинг эгаларини ушбу Қоидалар билан таништиришга мажбур. Бу ит эгасининг итни рўйхатга олиш гувоҳномасига қўйиладиган имзоси билан тасдиқланиши керак.

Ушбу Қоидаларга риоя этилишини ички ишлар органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қиладилар.

Одам савдоси жинояти юзасидан сўроқ қилишнинг ўзига хос хусусиятлари

Одам савдоси одамларни ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилади, бутун дунёда уюшган жиноятчиликнинг ривожланишига сабаб бўлади. Шу жумладан, бу жиноят шахсларга хавф туғдириш йўли билан қўрқитиш, жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказиш, номушта тегиш, ҳужжатларни ўғирлаш орқали амалга оширилади.

Одам савдоси жиноятида жабрланувчини сўроқ қилиш натижа-сида жиноятни содир этган шахсга нисбатан ва жиноят содир этиш механизми ҳақида асосий маълумотларни олиш мумкин.

Жабрланувчини сўроқ қилишда терговчи жабрланувчининг психологик ҳолатини эътиборга олиши лозим. Жабрланувчидан шахвоний мақсадда фойдаланилганда, улардан аниқ ва тўлиқ маълумот олиш, ўзларини эркин тутишлари учун уларни сўроқ қилиш жараёнида аёл жинсидаги терговчи томонидан сўроқ қилиниши мақсадга мувофиқдир. Сўроқ аввалида жабрланувчиларга воқеа ҳақида эркин сўзлаб бериш, кейин эса улар билан савол-жавоб ўтказиш лозим.

Жабрланувчи одам савдоси жиноятида асосий гувоҳ бўлганлиги сабабли, тергов ҳаракатлари вақтида у билан яхши муомалада бўлиш керак. Жабрланувчини сўроқ қилиш-

дан олдин унга қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши лозим.

Одам савдоси жиноятида жиноят босқичлари ва кетма-кетлиги, жабрланувчига маълумотларни эслаш ва тўла маълумот бериш шароитини яратиб бериш лозим. Тергов ҳаракатини сўроқ қилиш жабрланувчининг розилиги билан видео тасмага ёзиб олиниши лозим.

Жабрланувчини сўроқ қилишда қуйидаги маълумотлар аниқланиши керак:

Жабрланувчи ва одам савдосига ёлловчи ёки одам савдосини амалга оширувчи шахс ўртасидаги алоқа мавжудлиги. Дастлабки алоқа қандай ва қаердан бошланган, жабрланувчини олиб чиқиш қандай йўллар орқали амалга оширилган, олиб чиқишга тайёргарлик қўришни жабрланувчи билганлиги, жабрланувчининг ҳужжатларини расмийлаштириш билан ким шуғулланганлиги, ушбу ҳаракат чет давлатга юбуровчи шахс то-

монидан амалга оширилганми, у томонидан жабрланувчини кетиш ва етиб бориш вақти белгиланганлиги, жабрланувчини Ўзбекистон ҳудудида ким, қандай транспорт воситасида ташиган ва ҳужжатларни қайси ташкилот расмийлаштирган, улар ҳақиқийми, агар ҳақиқий бўлмаса, жабрланувчи буни билганми, жабрланувчи томонидан биронта ҳужжат тўдирилганми, агар айланма йўллардан ўтган бўлса, илоҳи борича аниқ йўналиш масаласи аниқланиши лозим. Жабрланувчи режалаштирилган, унга ваъда қилинган иш билан таъминланганлиги, унга тақлиф қилинган иш нима бўлганлиги (иш ҳақи, вақти, меҳнат шароитлари, яшаш жойи ва унга яратилган шароитлар) ҳақидаги маълумотлар аниқланиши лозим.

Шунингдек, жиноят жабрланувчиси аёл киши бўлганда унга қайси турдаги иш тақлиф қилинганлиги ва у ҳақиқатда ишлаган фаолият тури ҳақидаги маълумотлар аниқланиши лозим.

Қарздорлик туфайли одам савдоси жиноятига жалб қилиш усуллари ҳам мавжуд бўлиб, ушбу ҳолда жабрланувчига меҳнат ҳақи ишланганлиги, унга нисбатан қарздорлик туфайли мажбурият юкланган-

лиги, қанча муддатга эканлиги тергов жараёнида эътибор қаратилиши лозим.

Жабрланувчи одам савдоси учун жалб қилинганда уни олиб чиқиб кетишда контрабанда усули қўлланилганлигини, одам савдоси амалга оширилгандан кейин мажбурият чоралари қўлланилганлигини, номулга текканлигини, дўппослаганлигини, қамаб қўйганлигини, уни ким амалга оширган ва унинг (гумонланувчининг) шахсини аниқлаш лозим.

Айрим ҳолларда жабрланувчилар давлат ичида ёллангани мумкин. Агар жабрланувчи Ўзбекистон ҳудудида ёлланган бўлса, у айнан қайси вилоят, туман ва манзилда сотилганлиги, эксплуатация қилинган жабрланувчига айнан қандай таъсир, мажбурият, тазйиқ чоралари ўтказилганлиги, жабрланувчи жинсий алоқа қилишга мажбурланганми, мажбурланган бўлса, унга қандай мажбурият чораси қўлланилганлиги, етказилган жисмоний зарар натижасидаги жабрланувчининг жисмоний аҳоли ҳақидаги маълумотлар аниқланиши лозим.

Аниқланиши лозим бўлган ҳолатлардан яна бири, бу жабрланувчи эксплуатация қилинган, одам савдоси натижасида ушлаб турилган жой-

А.НОРБОЕВ,
ТДЮИ доценти,
юридик фанлар номзоди

дан қочиб келган ёки қўтилганлиги масаласи бўлиб, манзилга етиб келишида унга кимлар ёрдам берганлиги ўрганилиши лозим. Шунингдек, улар билан биргаликда қайтиб келганларнинг ҳам шахслари аниқланиши лозим. Чунки ушбу шахсларни аниқлаш натижасида терговчи гумонланувчи шахс ҳақида кўпроқ маълумот тўплаган бўлади.

Терговчи шу ўринда вазиятга қараб воқеани аниқлаши учун яна бошқа маълумотларни ҳам тўплаши ва уни текшириб қўриши лозим, деб ҳисоблаймиз. Тергов жараёнида шунга эътибор қаратиш лозимки, одам савдоси жинояти ва одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш бир таркибли жиноят бўлса-да, жиноятни содир этиш усулига кўра турли хилда амалга оширилиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, одам савдоси дунёдаги кўпчилик мамлакатларда мавжуд бўлиб, бу муаммони ҳал этишнинг ягона йўли ушбу жиноят фаолиятига қарши қурашиш чораларини қучайтиришдир.

ушбу вазифаларнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: "Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир".

Ҳуқуқий маданиятни ошириш йўлида жойларда ҳарбий хизматчилар ўртасида учрашувлар ўтказилиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни тарғиб қилишга оид тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Хусусан, тегишли ҳарбий идоралар ва ҳарбий ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари режалари ишлаб чиқишда, амалда уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги Қуrolли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим амалии натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганда яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Эндilikда Қуrolли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фўқароси учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли ва шарафли касблардан бирига айланди.

Миллий армиямиз сафи, мустақил Ўзбекистонимизда сadoқат билан хизмат қилиш, унинг манфаатлари ва сарҳадларини, халқимизнинг тинч ва оsуда ҳаётини таъминлашга азму қарор қилган мард ва фидойи, интеллектуал жиҳатдан тарбия топган етуқ кадрлар билан тўдирилмоқда.

Мустақиллик ва оsoйишталик таянчи

Бугун Ватанимиз мустақиллигини, юртимиз барқарорлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш, аҳолини тинч ва оsуда ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ва таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишдек ўта муҳим ва масъулиятли вазифаларни адо этишда миллий Қуrolли Кучларимизнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда беқийсдир.

Президентимизнинг ташаббуси билан 1991 йил 31 августда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонуни ва Республика Олий Советининг 1992 йил 14 январдаги қарори билан Ўзбекистон ҳудудидаги Қуrolли Кучлар Республикаимиз юрисдикциясига олинди ва Ўзимизнинг миллий армиямиз ташкил топди. Мазкур сана кейинчалик Ватан ҳимоячилари кунни, деб эълон қилинди.

Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондонли томонидан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ халқимизнинг қадимий бой тарихи, маънавий мероси, аждодларимизнинг жанговар шон-шавкатлари, инсонга бўлган ўзаро ҳурмат асосидаги муносабатларга таянган ҳолда, замонавий талабларга жавоб берадиган, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва чегараларини ҳимоя қилишга қодир, муқобил Қуrolли Кучларни ташкил этиш ва ислох қилишга оид вазифалар қўйилди. Миллий армиямизнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Барча соҳаларда бўлганидек, Қуrolли Кучларимиз тизимида ҳам ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистонда бугунги кун талабларига жавоб берадиган тезкор ва

ихчам, замонавий қуrol-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар қобилият ва тайёргарликка эга бўлган армия барпо этилгани билан ҳар қанча фахрланасак арзийди.

Амалга оширилган ҳарбий ислохотлар натижасида 2002 йил 12 декабрда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фўқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида муддатли ҳарбий хизматини ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан фўқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилда бир марта чақиритишнинг йўлга қўйилиши, ҳарбий хизмат ўташининг муносиб шарт-шароитлари белгиланган берилди. Бу ҳам ҳарбий ислохотлар инсон манфаатларини қўзлаб амалга оширилаётганлигининг ёрқин мисолидир.

Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган тарихан қисқа даврда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фўқаролик жамияти барпо этиш юзасидан асрларга татигулки ишлар амалга оширилди, десак, асло муболага бўлмайди. Президентимиз раҳбарлигида ижтимоий ҳаётнинг барча баҳаларида босқичма-босқич

амалга оширилаётган ислохотлар ва либераллаштириш жараёнлари мамлакатимизнинг келгуси тараққиёт йўлини белгилаб берди. Буни суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотлар ҳам исботлаб турибди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг одил судлови ҳозирги замоннинг энг ривожланган талабларига жавоб бериши учун, мустақил давлатимизнинг ҳозирги ва келажак учун ўта муҳим ишлар амалга оширилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фўқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган маърузасида таъкидланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда одил судловни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан тегишли амалий ишлар олиб бориш, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби катагон қуrolи ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон, фўқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар

Ж.РАҲМОНОВ,
тадқиқотчи

Сарсон бўлган Наташа

Тошкент халқаро аэропорти оластагидек гажум. Хориж мамлакатларига учининг ҳамсини олганини ўзини эркин тутишдан кўриниб турган 30 ёшлар атрофидаги йигит кимгадир учрашиб, ишларини ҳал қилгач, бўш ўриндиққа бориб ўтирар экан, ёнидаги аёл эътиборини тортди. Чўқур ҳўрсинганча, дам-бадам ёшлаган кўзларини артиб турган аёлниги муаммоси борлигини сезиб, нима гаплагини сўради.

— Дубайга учмоқчи эдим. Паспортимда ишқал бор экан. Шунга сиқилиб ўтирибман.

— У ерда нима қиласиз?

— Нима қилардим, ишга жойлашмоқчиман. Аксига олиб...

— Майли, сиқилманг. Йўли топилиб қолар.

— Қани ўша йўли? Харажати бўлса ҳам рози бўлардим.

Аёлниги бу гапини эшитган йигит ҳўшёр тортди. Аммо сир бой бермасдан, аёлга юзланди:

— Узр, сўраганини айби йўқ, Дубайда бирор танишингиз борми?

— Ҳа, ўша ерлик бир одам билан танишман. Ўзи ногирон бўлса-да, яхши одам.

Йигит жавобини эшитгач, бироз ўйланиб турди-да:

— Бўлди, йўлини топдим, — деди қатъий оҳангда. — Энди танишиб олсак, исимим Ақром. Сизники-чи?

— Наташа.

— Мана танишиб ҳам олдик, Наташа. Бўлмаса, гап бундай, аввало, сизга уч йил муддатли "резидент партнёр виза" расмийлаштириб бераман. Дубайда айнан ишга жойлаштириш билан шуғулланадиган катта компаниям бор. Ишга ҳам жойлаштириб қўяман. Ойлик маошингиз ўртача, 2-3 минг АҚШ доллари бўлади. Бу томонидан хавотир олманг. Энди телефон рақамларимизни алмаштириб олсак-да, сиз бемаъл уйингизга қайтаверсангиз.

Ўзим сизга кўнгироқ қиламан. Яна бир марта яхшилаб ўйлаб олинг.

Йигитга қандай миннатдорчилик билдиришни билмай, фақатгина "рахмат, раҳмат",



деганча узоқлашган Наташа (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уйига хурсанд ҳолда қайтди.

Ақром сўзида турди. Уч кун ўтмасдан, Наташага кўнгироқ қилиб, учрашиб олишни таклиф қилди.

— Ҳўш, таклифимни ўйлаб кўрдингизми? — салом-алик қилиб бўлмаслариданоқ Ақром уни саволга тутта бошлади. — Ўзим 5 сентябрда учиб кетадиган бўлдим. Агар рози бўлсангиз, сизга ҳам билет оламан.

Наташа нимаям дерди, ахир жўнаб кетишни қачондан бери орзу қилиб юрибди-ку! Шу боис, розилигини айтиб, ҳар эҳтимолга қарши яна иш ҳақида гап очди.

— Ахир ишга ўзим жойлаштириб қўяман дедим-ку! — ўзини асабийлашгандек қилиб кўрсата бошлади Ақром. — Реклама агентлигида ишлайсиз. Хавотирга ўрин йўқ, Тушундингизми? Харажат масаласига келсак, эсингизда бўлса, ўзингиз "қанча харажати бўлса ҳам" дегандигиз, тўғрими? Хуллас, "резидент партнёр виза"ни расмийлаштириб бериш 12 минг долларга тушади. Ҳўш, яхши реклама агентлигига ишга жойлашиш эса 8 минг бўлади...

Ақром гапини тутатар-тутатмас, Наташа савол бериб қолди:

— Бугунги кунда ҳеч ким бировага ўз-ўзидан ёрдам бермайди. Сиз бўлса, танимаган-билмаган одамнингизга шунча яхшилиқ қилаясиз. Ўзингизга қанча беришим керак? Ундан кейин, сўраган пулингиз кўп эмасми?

— Мен шу пулни ҳаммасини ҳозир беринг, дейётганим йўқ. Бошлангига 2 минг берсангиз бўлади, унияма "взнос" учун тўлайман. Менга сизнинг ортиқча пулингиз керак эмас...

Шундай қилиб, эртаси кўни Ақром уцадиган рейсга Наташага ҳам билет олишди. Сўнгра, Наташа 2 минг доллар топиб, йигитга келтириб берди.

Ниҳоят, 5 сентябрь ҳам келиб, Дубайга учиб кетишди. Манзилга етиб келишгач, Ақром қизини ўзининг офисига олиб келиб кўрсатди-да, пулингиз қолганини қанча тез берса, шунча яхши бўлишини айтиб, паспорт билан 4 донга суратини қолдириб кетишни сўради. Наташа унинг айтганларини бажаргач, танишининг уйига равона бўлди. Уч-тўрт кун ўтгач, Ақром уни йўқлади. Наташа ваъдага вафо қилиб, ногирон танишдиган 5 минг АҚШ долларини олиб, унга келтириб берди.

Аммо, орадан бир ойга яқин вақт ўтди ҳамки, визадан хабар бўлмади. Аксига олиб, Наташанинг бир ойлик визасининг муддати тугаган эди. Шунинг учун у Ақромнинг офисига йўл олди. Ақром бўлса, виза ҳали тайёр бўлмаганлигини, шунинг учун ҳозирча Эронга ўтиб, ўша ерда қутиб тургани маъқул эканлигини айтиб, унга йўл-йўриқ кўрсатди. Наташа йўлқира учун пул қанча бўлиши ва уни қимдан олишини сўраган эди, билет ва меҳмонхона учун 3500 дирҳам, яна шунчасини эса

Каримберди ҒАНИБОВЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
бўлим катта прокурори

аэропортда, депозитга гаров тариқасида қўйиш лозимлиги ҳақида жавоб олди. У ноилж, дубайлик танишдан 7 минг (2 минг АҚШ доллари) дирҳам олиб, Ақромнинг қўлига тутқазди-да, унинг кўмағида Эронга учиб кетди. Гарчи Ақром Эронда атиги уч-тўрт кунгина яшаб турсанг бўлди, деган бўлса-да, деярли бир ойга яқин муддат ундан дарак бўлмади.

Бу ҳолатдан ҳам асабийлашган, ҳам ҳўжжасиз беғона юрда қолиб кетаётганидан кўрққан қиз Ақромга телефон қилиб, қачон олиб кетишини сўради. Ақром одатдагидек хотиржам эди. Шу боис, виза ҳалигача тайёр эмаслигини, яхшиши, Москвага учиб кетгани маъқул эканлигини айтиб, гапни қисқа қилди. Наташа нима учун Ўзбекистонга эмас, Москвага, деб сўраган эди, Ақром агар Ўзбекистонга укса, визани расмийлаштириш қийин бўлиб кетади, деб жавоб берди. У Ақромни қарғай-қарғай, Дубайдаги таниши билан боғланиб, яна ундан пул сўрашга мажбур бўлди. Пул ўтказиш йўли билан қўлига теккан 1 минг 500 АҚШ доллари билан энди Москвага йўл олган қиз бу ерда декабрь ойини охиригача қолиб кетди. Орада Ақромга уч-тўрт марта кўнгироқ ҳам қилди. Хар сафар виза учун яна пул сўраётган Ақром охириги марта гаплашганларида ўғли тўсатдан оламдан ўтганини, шунинг учун уйига қайтаётганини айтиб, гапни қисқа қилди. Бу гапни эшитиб, энди ортиқ қутишдан фойда йўқлигини тушунган Наташа таниш-билишларидан пул йиғиб, Ўзбекистонга қайтишга мажбур бўлди.

Буни қарангки, Ақромнинг ўғли ўлмаган экан. Буни Наташа Тошкентда билди, билди-ю, фиғони кўкка ўрлади. Тирик боласини ўлганга чиқарган отага лаънатлар ўқиди. Аксига унинг ўзини тополмади. Шунинг учун узоқ ўйлаб ўтирмай, тилла тақинчоқларини сотди, етмаганига таниш-билишлари-

ю, қариндошларидан қарз олиб, бир ойлик виза очдирди-да, яна Дубайга учиб кетди. У манзилга етиб борган захоти Ақромни қидириб топиб, бор захрини тўкиб-сочгач, пулларини қайтариб беришини сўради. Бироқ Ақром одатдагидек ўта хотиржам эди. У қизни жимгина эшитгач, машинасига таклиф қилди-да, аллақерга олиб кетди. Кўп ўтмай бир бино олдида тўхташди. Ичкарига киргач, у ердаги одам билан таништириб, исми Солиҳ эканлиги, визани ҳам шу киши қилиб беришини айтиб, ўзи чиқиб кетди. Араб тилини билмайдиган Наташа бўлса, арабининг гапларини умуман тушунмай, анқайганча анча вақт ўтирди. Ахир-ри бу ерда ўтиргани билан бирор иш қилишга қўзи етмай, Солиҳ билан қайрлашди.

Орадан яна бир ҳафта ўтди. Бироқ бу гал ҳам виза тайёр бўлмади. Шундан сўнг Наташа яна Ақромга кўнгироқ қилиб, виза ҳақида сўрашга мажбур бўлди-ю, йигитнинг жавобини эшитгач, телефон қилганига минг-минг пушаймон қилди.

— Менга қара, — деди Ақром кўрсик билан. — Қанақа виза ҳақида сўраясан? Мен ҳеч қанақа виза-пизангни билмайман. Тушундингми? Паспортингни бўлса, аллақачон сотиб юборганман.

Шу аллозда уч ҳафтага яқин вақт ўтгач, Наташа қўл қовуштириб қутиб ўтираверишдан бирор наф қимқаслигини билиб, Ўзбекистон элчихонасига бориб учрашди. У ердагиларнинг ёрдами билан шахсини тасдиқловчи сертификат олгандан сўнг Ўзбекистонга қайтди. Орадан бир ҳафта ўтгач, Ақромнинг ҳам Тошкентга қайтиб келганидан хабар топди-ю, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилди.

Шундай қилиб, алдаш орқали бир аёлни ўзга қўрларда сарсон-саргардон қилиши етмаганидек, унинг пулларига ҳам эгалик қилган Ақром Маҳмудовнинг қилмиши ошқор бўлди. Жиноят кодексининг бир неча моддаларининг тегишли бандлари билан айбланган судланувчининг жинояти етарли далиллар билан ўз исботини топган, суд томонидан унга тегишли жазо тайинланди. Жабрланувчига етказилган моддий зарар А.Маҳмудовнинг қариндошлари томонидан тўлиқ қопланганлиги ҳам, албатта, ҳисобга олинди.

Донишмандлардан бири ҳаёт ҳақида сўраганларида, у эшиклан кириб, бунидан чиққандай бўлиб, деб жавоб берган экан. Ёши юзга яқинлашган отахонлар билан сўхбатлашсангиз, дунёга кечганига келгандайман, дейишди. Бу гаплар инсонга бир марта ато қилинмаган ҳаёт номли неъматнинг қадрига етишга ундайди.

Афсуски, бир дунё ҳикматни бағрига жойлаган бу сўзларнинг маъносини ҳамма ҳам англайвермайди. Акс ҳолда бундайлар умрини жиноятлар содир этиб, гуноҳга қўл уриб, беҳуда ўтказмаган бўларди.

Хивалик Эргаш Матёкубов 36 ёшда бўлишига қарамай, 2001 йилда биринчи марта суднинг қора қорусисига ўтирган бўлса, 2008 йилда иккинчи марта, 2010 йилда эса учинчи марта жазога тортилган. Жиноят ботқоғига ботган бу йигит надоматлар бўлсинким, ўз ҳаётини изга солишга қуч топа олмади. Аксинча, иблисининг измидан тутиб, жаҳолат ботқоғига ботаверди.

Ёз қуларининг биринчи кўнга киритган узугини сотган Эргаш, энди гиёҳванд модда излай бошлади. Таниши Жасурга кўнгироқ қилган эди, "келавер-чи, бир нарска қилармиз", деган жавобни олди. Бозорга ўтиб, пичоқ харид қилган Эргаш, Жасурнинг уйи

Завол топган умр

томон йўлга тушар экан, йўл-йўлақай чорраҳадаги ошхонага бирров кириб ўтишга қарор қилди.

Бир шиша "Coca-cola" олиб ичди-ю, кўнгли айниб, ўтирган жойга қайт қилиб юборди. Унинг хатти-ҳаракатидан жаҳли чиққан сотувчи аёл Эргашга захрини сочи бошлади.

— Ҳойнаҳой, наркомансан. Тўлашга пулинг ҳам йўқ бўлса керак.

— Оғзингга қараб гапир, кампиршо, — Эргаш сўкинди.

Ошхонани бўшатиб қўйишни қатъий талаб қилган кампирнинг бошига мушт келиб тушди. У йиқилиб тушди-да, сал ўтиб, ўрнидан тургач, "Ҳозир милиция қақираман", дея ошхонадан уйи томонга ўтиб, қўл телефонидан рақам теришга киришди. Бунга кўрган Эргаш жонхонлатда телефонга ёпишди. Сим картасини олиб ташлаб, аёлни у хонадан бу хонага судраганча, ура бошлади. Аёл яна йиқилди-ю, ҳўшидан кетди. Эргаш гўдранганча унга разм солар экан, аёлнинг кўлларидега узуклар, қўлидаги зирак диққатини тортди. Шошилмай тилла тақинчоқларни ечиб, чўнтагига жойлади. Уйнинг меҳ-

Райхоний ЮСУПОВА,

Хоразм вилоят прокурорининг

катта ёрдамчиси

Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,

«Huquq»

монхонасида турган иккита уяли телефон аппарати ҳам ўзи билан олди. Сўнгра ошхона томон юрди. Айни шу пайтда ўша томондан уйга бир аёл қираётганди.

— Тўхтаган, — Эргаш унинг йўлини тўсди. — Бу ерни "налог"чилар босган, орқангизга қайтинг.

Аёл чиқиб кетгач, Эргаш яна битта "Coca-cola" олиб ичди. Ташқарига чиқса, ҳалиги аёл қутиб ўтирган экан. Эргаш унинг уй эгаси қаердалиги ҳақидаги саволига мўжмал жавоб қайтарди-да, жуфтакни ростлади.

Гиёҳвандлик инсоннинг онгу шуурини бутунлай қарақт қилиб қўяди, деганларига Эргашнинг хатти-ҳаракатлари яна бир мисол бўла олади. Воқеалар ривожини йигитнинг виждони заррача қийналмаганлигини кўрсатади. У келишув бўйича Жасурниқига келди.

— Тилла тақинчоқларим бор. Сотиб, пулига кайф қилишимиз керак, — деди у оғайнисига.

Жасурнинг Абдулла исмли қўшини тилла буюмлар савдоси билан шуғулланарди. Икки-уч кун олдин келтирган узугини ҳам Жасур шу қўшинсига сотиб берган. Унга кўнгироқ қилган эди, узоқда эканлигини, сал кечроқ боришини маълум қилди.

Икки оғайни сулада ўтиргачна, тиллафурушни кута бошлашди. Бу орада Эргаш ўзи ўғирлаб чиққан буюмларнинг айримларини яширди, қарасаксини ювди.

Ниҳоят, Абдулла ҳам кириб келди. Унга аёлнинг қўлоғидан узиб олинган сиргани 250 минг сўмга сотишди. Аммо, буюқнинг югургани сомонхонагача, дейдилар. Пулни санаб олаётган йигитларни ИИБ ходимлари келиб, бўлимга олиб кетишди.

Э.Матёкубов қилимшини тан олди. Унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судлов хайъати томонидан тегишли жазо тайинланди.

Гиёҳвандлик оқибатида Эргаш ўз ҳаётини бутунлай издан чиқаргани етмагандек, бир онахоннинг умрига зомин бўлди.

Бундан ҳаммамиз ҳулоса чиқаришимиз зарур. Эргаш қабилирани тўғри йўлга солиш мушкул. Аммо бошқаларни унинг қўйига тушишдан сақлайлик.

Алдовга учган одамлар

Ҳаётда шундай кишилар борки, улар ўз шахсий манфаатлари ва ғаразли ниятлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Нопок йўллар билан бойлик орттириш бундайлар учун имон-этиқоддан, одамгарчиликдан анча юқори туради.

Ҳузор туманининг Наврўзтепа қишлоғида яшовчи Турсун Ҳўжакулов бир неча йиллардан бери Россия Федерациясининг турли шаҳарларида ишлаб келарди. Иш жараёнида Миша исмли кишидан 28 минг рубл қарздор бўлиб қолди-ю, қарзни пул билан тўлашга бўйин ёр бермади. Ўйлаб-ўйлаб, Мишанинг қурилиш ва бошқа ҳўжалик ишларини бажариш учун текин ишчи кучи топиб беришга қарор қилди. Табиийки, бунинг учун одам ёллаш ва уларни алдаб ишлатиш керак эди. Шу ҳақда Миша билан келишиб олди ва ёлланни ишлайдиган одам излашга тушди. Ана шу мақсадда ўғли билан телефонда гаплашиб, Ҳузор туманининг "Мўминобод" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Батож қишлоғида яшовчи таниши Ҳошимжон Нормуродовни Россия Федерациясига ишга тақлиф қилди.

Турсун Ҳўжакуловнинг судда қўрсатув бериб айтишига қараганда, анча йиллар аввал Ҳошимжон ва унинг шериклари пулсиз, бошпанасиз қолиб, сарсон-саргардонлиқда ўз юртларига қайта олмай юрганларида уларга ёрдам берган ва Ўзбекистонга қайтиб кетишларига кўмаклашган экан.

Хуллас, Т.Ҳўжакулов Мишадан қарзини узишда энди ўша одамлардан бири — Ҳошимжондан фойдаланмоқчи бўлди. Ҳошимжон ҳам унинг гапларига лаққа тушиб, 2009 йил 29 апрель кун Россия Федерациясининг Барнаул шаҳрига етиб борди. Унга текин ётоқхона, бепул овқат ва ойига 10 минг рубл иш ҳақи ваъда қилинган эди.

Ҳузор туманининг "Жарарик" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қудуқ қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳасан Шакаровга ҳам худди шундай ваъда берилган ва у ҳам алдовга учиб, Ҳошимжон Нормуродов билан бирга Турсун Ҳўжакуловга рўпара бўлди. Ҳожатбарор уларга яна ўша ваъдасини такрорлаб, "Ётоқхона, озиқ-овқат менинг ҳисобимдан бўлади. Хар ой ваъда қилинган рублларни олаверасизлар", деди.

Шундай қилиб, Ҳошимжон, Ҳасан ва яна 4-5 киши қурилишда ишлаб борадилар. Ўша йилнинг 29 апрелидан 11 августига қадар ишлар қизғин давом этди. Ёлланганлар ўз юртларига қанча "рубл" билан қайтишларини дам-бадам ҳисоб-қилиб қилиб, мамнун ҳолда бетон қоришар, гишт теришар ва бинокорликка доир нима зарур бўлса, шуни бажарар эдилар. Ҳошимжоннинг аниқ ҳисобига қараганда, у Ҳўжакуловдан 33 минг 600 рубл олиши керак эди. Пайт

топиб, пулини сўради. Қурилишда бригадир сифатида фаолият кўрсатган Ҳўжакулов ичидан бироз огринса-да, унинг кўлига 11 минг 800 рубл тутқазиб, "қолганини кейин оласан", деди. Ҳаёлида эса Мишанинг қарзидан тезроқ қутулишни ўйлар ва ўзича режа тузарди.

Аслида у ҳамюртларини дастлабки кунданок тўғридан-тўғри Мишанинг кўлига топшириши ҳам мумкин эди, аммо... Бундай йўл тутилганда Миша йигитларнинг иш ҳақини бермас, қарзга (келишилганига кўра) ушлаб қолар ва бу уларда ўзига нисбатан ишонсизлик туғдирарди. Инсон бировга ишонмадими, унинг раёйига юрмайди, ишни қўл учида бажаради ёки жуфтакни ростлаб қолади.


Турсун Ҳўжакулов эса тайёр ишчи кўчларидан осонликча айрилишни истамасди. Шунинг учун ҳам у Ҳошимжон билан Ҳасани аввал ўзи меҳнат қилаётган қурилишда ишлатиб, қўлларига озроқ миқдорда пул бериб, ишончларига киришни мақсад қилган эди.

Ёлланганлар бу орада Мишанинг уйда қурилиш, қартошқа қавлаш ва шу каби турли ишларни бажара бошладилар. Дарове, хонадон соҳибининг иссиқхонасидаги экинлар парвариши ҳам уларнинг зиммасида эди. Ҳа, инсон пул учун нималарни қилмайдилар, дейсиз. Ҳошимжон билан Ҳасан ҳам нима иш буюрилса, шуни бажарардилар. Аммо Миша уларга пул беришдан қатъий бўйин товлади. Шундагина "ҳожатбарор" Ҳўжакуловнинг уларни бу ерга бекорга олиб келмаганлиги маълум бўлди ва йигитлар ишдан бўйин товладилар ҳамда Турсундан иш ҳақларини талаб қилавердилар.

Алдовнинг йўли кўп. Бунинг ҳадисини олган ва ўзининг ғаразли мақсади йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган киши содда одамларни ҳар қандай усул билан чув тушириб кета олади. Бундай йўғомбир кишилар токи қонуннинг кўлига тушмагунларича нопок ниятларидан қайтмайдилар. Турсун Ҳўжакулов ҳам ниятидан воз кечини истамасди.

У Ҳошимжон билан Ҳасанни эргаштириб, Барнаул шаҳридаги бир иссиқхонага олиб борди. Бу ерда бир гуруҳ наманганлик йигитлар меҳнат қилишарди. Ёлланганларни уларнинг кўлига топшириб, кунига иккаласи учун 1000 рублдан тўлашларига оғзаки келишиб, ўзи йўлига равона бўлди. Йигитлар бу ерда 13 кун ишлаб 13 минг рубллик иш бажардилар.

Лекин буни қарангки, яна Ҳошимжоннинг бахти чопмади. Ҳожатбарор акалари



Ҳасанга 6,5 минг рубл бериб, Ҳошимжонга пул бериш ўрнига ундан еган-ичгани учун 3 минг рубл талаб қилиб олди. Бу қандай қўргулик деганча шериги билан иккаласи яна ҳожатбарор акаларининг ортидан эргашдилар.

Барнаул шаҳри чеккасидаги бир қишлоқ. Ёлланганлар картошқа қавлашмоқда. Пулимизни бераар, ҳамюрт-ку, мусулмон фарзанди бўлса, унинг ҳам бола-чақаси бор-ку, ахир, деган андиша билан 18 кун ҳалол меҳнат қилдилар.

Албатта, кун бўйи астойдил меҳнат қилган йигитлар ишларни тезроқ тамомлаш, пулларини олиб, эсон-омон юртларига қайтишни орзу қилишар ва шу орзу қанотида кунлар билан тунар қандай ўтаётганини сезишмасди.

"Узоқнинг донидан — ақиннинг сомони", деб қўярди уйини соғиниб кетган пайтларда Ҳошимжон.

Орадан ўн саккиз кун ўтди. Турсун Ҳўжакуловдан бўлса ҳанузгача дарак йўқ. Маълум бўлишча, у Ҳошимжон билан Ҳасаннинг ўн саккиз кунлик меҳнати учун тўланадиган пулни чўнтагига уриб, Барнаулдан Красноярск шаҳрига жуфтакни ростлаб қолган экан.

Ҳошимжон нима қиларини билмай, аламидан пешонасига бир урди-ю, кўздан пана бир жойга ўтиб чўнтагида йўқ, яъни алдамчи юртдоши томонидан ўзлаштириб кетилган пулларни қайта-қайта ҳисоблади: қурилишда ишлаган меҳнат ҳақи — 21 минг 800 рубл, Мишанинг уйдан — 4 минг 500 рубл, иссиқхонадан — 6 минг 500 рубл, озиқ-овқат учун тўлаган пули — 3 минг рубл...

Кейинги суммани ҳам қўшганининг сабаби, Ҳўжакулов дастлабки кунёқ "Овқатларинг менинг ҳисобимдан бўлади", деб уларни ишонтирган, оғзаки бўлса ҳам шунга

келишиб олишган эди. Шундай қилиб, Турсун Ҳўжакулов ундан жами бўлиб 35 минг 800 рубл, Ҳасан Шакаровдан эса 15 минг рубл қарздор эди.

— Ҳа, бизни роса туширди, — деди Ҳасан алам билан. Ҳошимжоннинг эса гапиршга мажбур ҳам етмасди. Чунки у шеригига нисбатан анча кўп йўқотган эди.

— Рўзгордан кечиб, бу ерга ёвғон шўрва ичиш учун келган эканмиз-да, — яна нолиш қилди Ҳасан.

— Уйга нима деб кириб борамиз? — ўзидан ўзи сўраётгандай ғўлдираб қўйди Ҳошимжон. — Кетишга етгулик пулимиз ҳам йўқ бўлса...

"Нега бир-биримизни алдаймиз? Ҳаммамиз ҳам мусулмон одамларнинг фарзандларимиз. Қарияларимиз ҳаммаша инсофли, диёнатли бўлиш, бировнинг ҳақини емасликни ўргатиб келишган. Нахотки, Турсун бундай панд-насихатлардан шу қадар йироқ бўлса!..."

Турсун Ҳўжакуловнинг ҳақиқий башараси Ҳошимжоннинг кўз ўнгиди энди намоён бўла бошлаган эди.

— Шайтондан дарс олган экан-да, — деди Ҳасан шеригининг ҳаёлидан ўтаётган гапларини пайқагандай.

— Ўз юртингдан узоқда бўлгандан кейин, шу-да, — хулоса қилди Ҳошимжон. — Ит ҳам, бит ҳам сени алдаб, оёқ ости қилиб кетаверади.

— Додингни кимга айтасан...

Ҳасаннинг бу гапи Ҳошимжоннинг ақлини пешлагандай бўлди.

— Додимни айтадиган одамларим бор, — деди у қатъий қилиб. — Судга бераман! Суд арзимни тинглайди!

Бу гап ҳар иккаласига ҳам умид ва куч бағишлади. Улар қандай бўлмасин яна бироз ишлаб, йўлга етгулик пул то-

Насим КАРИМОВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи
Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

пиш ва ўз юртларига қайтишга қарор қилишди.

Ҳошимжон Нормуродов уйига қайтгандан кейин Ҳўжакуловни излаб, унинг уйига борди, отаси билан учрашди. Шу ерда гувоҳ Юсуф Шайманов деган киши иштирокида айбдордан тилхат ҳам олди. Аммо иш токи судда кўрилмагунча ҳал бўладиганга ўхшамасди.

Жабранувчи Ҳошимжон Нормуродов судда Турсун Ҳўжакулов билан аввалдан танишлиги, 2009 йил апрель ойи ўрталарида Турсуннинг ўғли Зокир унинг олдига келиб, Россия Федерациясига ишлаб юрган отаси "Ҳошимжонни телефонда мен билан гаплаштир", деганлиги ва гаплашганларидан кейин унинг ваъдаларига ишониб, Россияга жўнаб кетганлиги тўғрисида қўрсатув бераркан, Ҳўжакуловдан 35 минг 800 рубл пулини ундириб беришлари ва унга нисбатан қонуний чора кўришларини сўради.

Аммо судланувчи Турсун Ҳўжакулов ўзининг суддаги қўрсатувига айбига қисман иқдорлик билдириб, ҳақиқатан ҳам 2002 йил ноябрь ойидан бери Россия Федерациясига ишлаб юрган пайтларида Ҳошимжон Нормуродов ва унинг бир гуруҳ шериклари ўз қишлоқларига қайта олмай, пулсиз, озиқ-овқатсиз, бошпанасиз юрганларида уларга ёрдам берганини, юртларига қайтишларига кўмаклашганини пеш қилиб, жумладан, бундай деди: "2008 йил октябрь ойининг бошларида Барнаул шаҳрида ишлаб юрганам-да яна Ҳошимжонни учратиб қолдим. У ётиб-туришга жойи йўқлигини айтди. Шунда уни ва шерикларини ўзим ижарада турадиган бир рус аёлининг уйига олиб бориб жойлаштирдим, иш топиб бердим. Шунда Ҳошимжон "2009 йилнинг баҳор ойларида иш топиб мени қақирасиз, сиз билан бирга ишлайман", деган эди. Шу боис уни телефон орқали қақиртириб олганман", деди.

Агар унинг айтгани рост бўлса, бу яхши. Аммо қақириб олиб, алдаб ишлатиб, пулини бермагани, унинг кунидан ва меҳнатидан ўзининг қарзини узиш учун фойдаланганини ҳеч нарсга билан оқлаб бўлмайди. Бу жиноят. Шу боис суд ҳайъати Турсун Ҳўжакуловнинг айнан ана шу жинояти учун унга қонун доирасида жазо тайинлади.

Ўйлаймизки, суд жараёнида Турсун Ҳўжакулов қонун талабларини бузиб, одамларни эксплуатация қилиш, уларнинг меҳнатидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келишини тушунган ва ўз ҳатосини чуқур англаб етган.

Манзилига етолмаган «курьер»

Ҳамид РАҲМАТИЛЛАЕВ,
Бектемир туман прокурори ёрдамчиси

Ярим тун бўлганлиги боис, "Эркин" ЙПХ маскани орқали пойтахтга кириб келаётган автомашиналар кундуз пайтига қараганда нисбатан сийрак. Шу боис, бу ерда хизмат вазифасини ўтаётган ходимлар ўтаётган ҳар бир машинани синчиклаб кўздан кечиришмоқда. Масканга катта тезликда яқинлашиб келиб тўхтаган "Нексия"нинг навбати етишига озгина қолганда, нима бўлди-ю, ҳайдовчи тўсатдан машинасини орқага юргиза бошлади. У бу ишни шунчалар шошма-шошарлик билан, пала-партиш бажардики, натижада орқа томонда турган машинани беҳос туртиб юборди. Бироқ, тор-мозни босиб ўрнига, газни босиб, урилган машинани орқага сура бошлади. Табиийки, бу ҳолат хизмат вазифасини ўтаётган ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотди ва улар қочмоқчи бўлган машина эгасини ушлашга муваффақ бўлишди.

Ҳайдовчи аввалига спиртли ичимлик ичган эдим, шунинг учун кўлга тушиб қолишдан қўриқиб, қочмоқчи бўлдим, дея баҳона қилиб кўрди. Ваҳоланки, унда мастлик аломатлари умуман сезилмасди. Шундай бўлса-да, ҳар эҳтиmolга қарши унинг бошқарувидаги машинани ҳам обдон текшира бошлашди.

Буни қарангки, ҳайдовчининг безовта бўлиши бежиз эмас экан. Унинг ўриндиғи остида икки ўрам, ён томондаги ўриндик тагидан эса, рюкзакка солинган яна тўрт ўрам целлофан пакетлар топилди. Холислар иштирокида ушбу пакетлар очиб кўрилганда, уларга оқ-сарғиш рангли, ўзига хос ҳидли модда солинган маълум бўлди. Ҳайдовчи шундан кейингина пакетларда "героин" гиёҳвандлик моддаси борлиги, у бу воситани бир одамга топшириш учун олиб кетаётганлигини тан олди.

Терговолди суриштирувларидан аён бўлишича, ҳайдовчи 1985 йили Сирдарё вилоятида туғилган Зафар Шарипов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) бўлиб, ишдан бўшаб, бекор юрганида бир танишининг отасини қистови билан бу ишга қўл урган экан. Дарҳақиқат, танишининг уйига борган Зафарни кутиб олган Шомурод ака, аввалига унинг нима иш қилаётгани билан қизиқди-да, сўнгга: "Зўр иш бор. Даромади ҳам шунга яраша", деб қолди. Зафар нима иш эканлигини сураган эди, арзимаган умумлиги, бор-йўғи бир одамдан гиёҳвандлик воситасини олиб, бошқасига етказиб беришдан иборатлиги, шу баҳона анча-мунча ишлаб олиши мумкинлигини айтиб, янада қизиқтира бошлади. Бу тақлиф бекор юрган Зафарни шунчалар қизиқтириб қўйдикки, у оқибатини ҳам ўйламай, қандай қилиб рози бўлганини ўзи ҳам билмай қолди. Шомурод ака шу заҳоти қадқадир телефон қилди-да, гўшакни кўтарган одамга "Миша" дея мурожаат қилиб, "курьер" топганини, энди юкни бемалол жўнатиши мумкинлигини хабар қилди.

— Мана бу сим карта, — у Зафарнинг кўлига сим картани тутқазар экан, гапида давом этди, — Тожикистондаги уяли алоқа компаниясиники. Молни ушлар етказиб беришади. Холанга вақтингда улар билан алоқага чиқишинг мумкин. Қачон ишга киришинг мумкинлигини ўзим хабар қиламан.

Дарҳақиқат, икки кундан кейин Шомурод ака кўнғирок қилди-да, Ховос туманига бориб, молни қабул қилиб олишни тайинлади. Зафар айтилган жойга етиб келган, кўп ўтмай 25-30 ёшлардаги бир йигит ҳам пайдо бўлди-ю, унга сумка ва "юрист" деган ёзув билан телефон рақами битилган бир парча қоғоз ҳамда 300 АҚШ доллари тутқазиб, ғойиб бўлди. Зафар уйига қайтар экан, Шомурод акага телефон қилиб, молни олганини айтган эди, бегона йигит берган қоғоздаги рақамга кўнғирок қилиши ҳақида топширик олди. У вақтни ўтказмай, ўша рақамни терган эди, аёл киши жавоб бериб, молни пойтахтга олиб келишни тайинлади.

Хуллас, ўша кунни арзимаган ҳаракати эвазига зумда 300 АҚШ долларига эга бўлган Зафар, мамнун ҳолда уйига қайтди. Орадан уч ойча вақт ўтган, Шомурод аканинг гапи билан "Миша"га кўнғирок қилган эди, ундан ўтган сафар бегона йигит билан учрашган жойга бориш ҳақида топширик олди. Бу гал ҳам ўша ҳолат даярли такрорланди, бироқ йигит энди унга 200 доллар берди. Зафар учинчи марта ҳам "Миша" орқали мол қабул қилиб, "эга"сига етказган маҳалда Шомурод ака Россияга жўнаб кетди-да, ўша ердан кўнғирок қилиб, топширик бера бошлади.

Умуман олганда, Зафар бундай иш топилганидан мамнун эди. Айтилган жойга бориб, молни олади-да, белгиланган жойга олиб келиб беради. Эвазига яхшигина ҳақ тўлашади. Бир марта ҳатто 500 доллар ҳам ишлади. Навбатдаги мол билан пулни олиб, ортига қайтар экан, пойтахтга кираверишдаги ЙПХ масканидаги текширувни кўриб, кўнгли ғашланди. Бироз ўйлаиб ўтирди-да, "таваккал" дея, машинасини орқага юргизди. Аммо машина орқа томонда турган бошқа машинага урилиб, тўхтаб қолди. Зафар бунга аҳамият бермай, яна газни босиб, бу ердан тезроқ қочиб қолмоқчи эди, улгурмади...

Ҳа, қилмиш — қидирмиш. Ҳалол меҳнат қилиб, рўзгор тебратиш ўрнига енгил-елпи даромад топишни афзал билган Зафар Шариповга суднинг ҳукми билан 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шу билан бирга, ундан ашёвий далил сифатида олиб қўйилган салкам 6 килограмм "героин" гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинди. Жиноят қуроли сифатида топилган "Нексия" автомашинаси эса давлат эгалигига ўтказилди.



Пахта ёғи истеъмол бозорига энг харидоргир маҳсулотлардан саналади. Аммо кундалик эҳтиёж учун сотиб олинаётган пахта ёғининг ҳаммаси ҳам, ҳар доним ҳам истеъмолга яроқлими? Улар қалоқланган ишлардаги этикетка ва маълумотларга ишонса бўладими?

Биз кўйда баён қиладиган жиноят тафсилотлари айнан шулар ҳақида бўлмаса-да, ўқувчиларимизни яна бир бор ҳушёрликка ундаши турган гап.

Республикамизда пахта ёғига бўлган талабнинг ошиб бораётганидан унумли фойдаланиб қолиш ҳаракатида тушган ишбилармонлар — "MADAT" МЧЖ раҳбари Р.Умаров, "BAXT MOY INVEST" хусусий корхонаси раҳбари Ш.Инагамов, "BUILDING WINNERS" МЧЖ раҳбари Р.Пирматов, "MADAT" МЧЖ бош ҳисобчиси Б.Умаров, жамият ишчиси С.Араловлар ўзaro жиноий тил бириктириб, "ёғли иш"га қўл уришади.

Бунинг учун "BAXT MOY INVEST" хусусий корхонаси раҳбари Ш.Инагамов 2010 йилнинг 24 октябрыда Россия Федерациясининг "МЭДЖИК ТЕКСТАЙЛ" МЧЖ билан Туркманистон Республикасида ишлаб чиқарилган пахта ёғини сотиб олиш бўйича шартнома тузди. Шартномага кўра, хусусий корхона томонидан темир йўл орқали Туркманистондан 4 та вагон-цистернада 252 тонна, баҳоси 277 200 АҚШ долларига тенг пахта ёғи мамлакатимизга келтирилади. Ушбу маҳсулот "Oziq-ovqat mollar" ОАЖ Республика ихтисослаштирилган улгуржи база корхонаси омборига жойлаштирилган ва Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан 15 кун муддатга "вақтинча сақлаш" режими расмийлаштирилган. Аммо...

Ш.Умаров, Р.Умаров, Б.Умаров, С.Аралов, Ш.Инагамов ва Р.Пирматовлар хорижда келтирилган пахта ёғини божхона тўловларини тўламадан ва божхона расмийлаштирувдан ўтказмасдан сотишга қарор қилишди ва божхона ходимлари иштирокисиз цистерна пломбаларини бузишиб, маҳсулотни қадоклаб сотиш мақсадида "MADAT" МЧЖнинг ёғ қадоклаш цехига олиб ўтишди.

Шу ўринда, Мировод туман санитария эпидемиология назорат марказининг 2011 йил 24 январдаги хулосасига кўра, мазкур пахта ёғи истеъмол учун яроқсиз деб топилганини ҳам айтиб ўтишимиз жоиз.

"Ёғли иш" бошлаган жиноий гуруҳ аъзолари худди шу усулда фаолиятларини яна давом эттиришган. "BUILDING WINNERS" МЧЖ раҳбари Р.Пирматов "Like way Trade Corp" компанияси билан Турк-

манистон Республикасида ишлаб чиқарилган пахта ёғини сотиб олиш бўйича 2010 йилнинг 14 ноябрыда шартнома тузган ва республикамизга 4 та вагон-цистернада 240 тонна, баҳоси 242 400 АҚШ доллари га тенг пахта ёғи олиб кирилган. Бу сафар ҳам маҳсулот аввалги манзилга вақтинча сақлаш учун жойлаштирилган. Бироқ жиноий гуруҳ аъзолари яна қонунга зид равишда мазкур маҳсулотни қадоклаб сотиш мақсадида "MADAT" МЧЖнинг ёғ қадоклаш цехига бошқа резервуарлар ёрдамида олиб ўтишган. Ушбу резервуарларда сақланган пахта ёғи ҳам Мировод туман ДСЭН маркази берган хулосасига кўра истеъмолга яроқсиз деб топилган.

Мировод туман ДСИ ва СВОЖДЛКК Департаментининг Мировод туман бўлими ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган текширувлар чоғида Р.Умаров, Б.Умаров, С.Аралов, Ш.Инагамов ва Р.Пирматовлар "BAXT MOY INVEST" МЧЖ томонидан хорижда келтирилган, божхона расмийлаштирувдан ўтказилмаган пахта ёғини нақд пулга сотиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш мақсадида ўзaro жиноий тил бириктириб, "MADAT" МЧЖнинг қадоклаш цехида 7276 донга 5 литрлик елим идишларга қадоклашгани аниқланди.

Текширувда, шунингдек, қадоклаш цехидан 1676 донга 5 литрлик елим идишлардаги 25 млн. 140 минг сўмлик пахта ёғи, фуқаролар А.Мирназаров, А.Каримов, Н.Давлатовлар бошқарувидаги юк машиналарига юкланган, жами 109 млн. сўмлик 5600 донга 5 литрлик идишлардаги пахта ёғи нақд пулга сотиш учун тайёрлаб қўйилгани аниқланган. Қизиғи, цехдаги маҳсулотларгина эмас, ускуналар ҳам ноқонуний экан, қирим ҳужжатларига эга бўлмаган станок ва система блоклари олиб қўйилди.

Нақд пулга сотиш учун мўлжаллаб, қадоклашган ушбу маҳсулотлар истеъмолга яроқсиз бўлса-да, жиноий гуруҳ аъзолари ёғ тўлдирилган 5 литрлик елим идишларга "Донни", "Тошкент барака", "Олтин пахта" каби этикеткаларни ёпиштириб, гўёки маҳсулот давлат стандартидан ўтганлиги ҳақидаги сохта маълумотларни киритиб қўйишган.

Айбек ГАЗИНАЗАРОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Мировод туман бўлими катта
суриштирувчиси

Савол туғилади: наҳотики бу "бизнесменлар" ана шу қин-ғирлиқлари билан минглаб юртдошларининг соғлигини, ҳаётини ҳавф остида қолдиришаётганларини ўйлаб қўришмаган?

Мазкур текширув давомида жиноий гуруҳ томонидан иккиламчи бухгалтерия юритилиб, 51 млн. 360 минг сўмлик сифат сертификати бўлмаган пахта ёғи нақд пулга сотилиб, сотувдан тушган пуллар банкка инкассация қилинмагани аниқланди.

Шунингдек, СВОЖДЛКК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан "MADAT" МЧЖ фаолиятида ўтказилган текширувда жамият раҳбари Р.Умаров бош ҳисобчиси Б.Умаров билан тил бириктириб, 2010 йил учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш мақсадида хизматлар ва бажарилган ишлар, улгуржи ва чакана савдо фаолиятдан тушган тушумларни ДСИга топширилмаган ҳисоботларда кўрсатмасдан, салкам 15 млн. сўмлик ягона солиқ суммасини тўламаганлар. Бу билан ҳам қаноатланмаган "ишбилармонлар" 20 млн. сўмлик товар моддий бойликларни нақд пулга сотишиб, савдодан нақд пул маблағларини тегишли тартибда банкка топширмаганлар.

"BAXT MOY INVEST" МЧЖ раҳбари Ш.Инагамов эса ўз хатоқоворлиги билан тил бириктириб, салкам 400 млн. сўмлик пахта ёғини нақд пулга сотиб, савдодан тушган пуллар билан банкка топширишни "ўнатиб қўйган".

"BUILDING WINNERS" МЧЖ фаолияти бўйича ўтказилган текширишда ҳам худди шундай қонунбузилишлар аниқланди. Текширувда қирим ҳужжати ва сифат сертификати бўлмаган 9 млн. 186 минг сўмлик товарлар турли хўжалик юритувчи субъектларга нақд пулга сотиб юборилгани, реализация қилинмаган деб кўрсатилган 19 млн. 856 минг сўмлик товарлар омборда йўқлиги маълум бўлди. Шунингдек, Р.Пирматов томонидан 29 млн. сўмликдан зиёд-роқ товарлар нақд пулга сотилиб, савдодан тушган пуллар банкка топширилмаган.

Жиноят ишлари бўйича Мировод туман судининг ҳукми билан "ёғли иш"га қўл урган "ишбилармонлар"нинг ҳар бири тегишли жазосини олишди.

ДМҚ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси оммавий оферта савдоларини ўтказиш тўғрисида эълон қилади!

Сотувчи: Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси
Сотувчининг манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16"а"-уй.
Телефон: 233-35-08, факс 233-35-08, 233-23-52, электрон почта: gki@rambler.ru
Объект номи: Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган, иловада келтирилган объектлар
Балансда сақловчи: БФД — Тошкент шаҳар бинолардан фойдаланиш бўйича департаменти
ТШХҚБ — Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси
"ЯБХ" ИК — "Ягона буюртмаси хизмати" инжиниринг компанияси
Музокаралар 2011 йил 15 декабрь куни соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16"а"-уй манзилида ўтказилади.

Объектнинг бошланғич баҳоси — Объектлар рўйхати келтирилган иловага мувофиқ

Объектнинг сотиб олиш шартлари қуйидагича:

- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- энг камида иловада келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- сотиб олиш тўлови ва қўшимча инвестиция киритишни қисқа муддатларга амалга ошириш.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш 2011 йил 15 декабрь куни соат 13:00 да тўхтатилади.

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майdonи (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	Сотилиши белгиланган давлат улуши	Бошланғич баҳоси (сўм)	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция кiritиш муддатлари
2	3		4	5	6	7	8	9
1	5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	91,00	Миробод тумани, Мунис кўчаси, 9-уй	ТШХҚБ	100,0	36 400 000,00	11 000 000,00	1 йил
2	5 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	91,00	Миробод тумани, Мунис кўчаси, 9-уй	ТШХҚБ	100,0	36 400 000,00	11 000 000,00	1 йил
3	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	70,00	Сергели тумани, Кўйлик 5 мавзеси, 28-уй	БФД	100,0	28 000 000,00	8 500 000,00	1 йил
4	2 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	76,80	Сергели тумани, Спутник 5 мавзеси, 16-уй	БФД	100,0	30 720 000,00	9 500 000,00	1 йил
5	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	162,00	Бектемир тумани, Бектемир (собиқ Сувчи) даҳаси, 37-уй, 137-138-хонадонлар	БФД	100,0	60 750 000,00	18 500 000,00	1 йил
6	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	89,00	Бектемир тумани, Ж.Тошкандий кўчаси, 60-уй, 41-хонадон	БФД	100,0	33 375 000,00	10 500 000,00	1 йил
7	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	106,00	Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20-мавзеси, 7а-уй	БФД	100,0	42 400 000,00	13 000 000,00	1 йил
8	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	124,00	Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20Д-мавзеси, 15-уй	БФД	100,0	49 600 000,00	15 000 000,00	1 йил
9	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	65,00	Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20-мавзеси, 48-уй	БФД	100,0	52 000 000,00	8 000 000,00	1 йил
10	Бир қаватли бинонинг бир қисми	157,00	Сергели тумани, Спутник 2 мавзеси, 70-уй	БФД	100,0	62 800 000,00	19 000 000,00	1 йил
11	Бир қаватли бинонинг бир қисми	143,00	Сергели тумани, Спутник 1 мавзеси, 70-уй	БФД	100,0	57 200 000,00	17 500 000,00	1 йил
12	Бир қаватли бино	1 767,00	Сергели тумани, Спутник 11-мавзеси	БФД	100,0	540 116 800,00	162 500 000,00	1 йил
13	Бир қаватли бино	71,00	Хамза тумани, Хаваскор кўчаси, 98-уй	БФД	100,0	28 400 000,00	9 000 000,00	1 йил
14	Бир қаватли бино	77,00	Хамза тумани, Усмонова кўчаси, 3-уй	БФД	100,0	30 800 000,00	9 500 000,00	1 йил
15	Бир қаватли бино	324,00	М.Улутбек тумани, Югнакий мавзеси, 22а-уй	БФД	100,0	133 463 741,00	40 500 000,00	1 йил
16	2 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	99,00	М.Улутбек тумани, Хумонови мавзеси, 3а-уй	БФД	100,0	39 600 000,00	12 000 000,00	1 йил
17	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	83,00	М.Улутбек тумани, ГТЗ даҳаси, 4-мавзеси, 34-уй	БФД	100,0	33 200 000,00	10 000 000,00	1 йил
18	Бир қаватли бино	145,00	М.Улутбек тумани, Югнакий мавзеси, 19а-уй	БФД	100,0	58 000 000,00	17 500 000,00	1 йил
19	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	98,00	М.Улутбек тумани, Қора Су 4-мавзеси, 2-уй	БФД	100,0	39 200 000,00	12 000 000,00	1 йил
20	2 қаватли бинонинг ер ўласи бир қисми	47,00	М.Улутбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, Ғарбий томони	БФД	100,0	18 800 000,00	6 000 000,00	1 йил
21	9 қаватли бинонинг 9-қавати бир қисми	115,00	Яккасарой тумани, Қўшбети мавзеси, 1-уй, 108-хонадон	БФД	100,0	48 875 000,00	5 000 000,00	1 йил
22	Бир қаватли бино	58,86	Сергели тумани, Ўзгариш мавзеси, 8а-уй	БФД	100,0	23 545 000,00	7 500 000,00	1 йил
23	Бир қаватли бинонинг бир қисми	221,00	Сергели тумани, Спутник 11-мавзеси, 53-уй	БФД	100,0	88 400 000,00	27 000 000,00	1 йил
24	Икки қаватли бино	422,00	Сергели тумани, Спутник 4 мавзеси, 2-уй	БФД	100,0	168 800 000,00	51 000 000,00	1 йил
25	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	129,00	Хамза тумани, Авнасозлар-2 (собиқ Лисунов-1а) даҳаси, 27-уй	БФД	100,0	51 600 000,00	15 500 000,00	1 йил
26	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	252,00	Хамза тумани, Спониш 2-даҳаси, 5-уй	ТШХҚБ	100,0	100 800 000,00	30 500 000,00	1 йил
27	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	48,00	Хамза тумани, Ғалабаинг 40 йиллиги даҳаси, 1-мавзеси, 19-уй	БФД	100,0	19 200 000,00	6 000 000,00	1 йил
28	Бир қаватли бинонинг бир қисми	106,00	Хамза тумани, Бойкурғон кўчаси, 11/1-уй	ТШХҚБ	100,0	42 400 000,00	13 000 000,00	1 йил
29	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	218,00	Хамза тумани, Авнасозлар-1 (собиқ Лисунов-1) даҳаси, 12-ётоқхона, 120-уй	БФД	100,0	87 200 000,00	26 500 000,00	1 йил
30	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	34,00	Хамза тумани, Ғалабаинг 40 йиллиги даҳаси, 1-мавзеси, 18-уй	БФД	100,0	13 600 000,00	4 500 000,00	1 йил
31	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	79,00	М.Улутбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 427В-уй	ТШХҚБ	100,0	31 600 000,00	9 500 000,00	1 йил
32	2 қаватли ертўлали бинонинг бир қисми	241,00	Мирзо Улутбек тумани, Қорасу 4-мавзеси, 2-уй	БФД	100,0	96 400 000,00	29 000 000,00	1 йил
33	Бир қаватли бино	213,00	Мирзо Улутбек тумани, Темур Малик кўчаси, 15-уй	БФД	100,0	85 200 000,00	26 000 000,00	1 йил

34	Қурилиш тугалланмаган поликлиника биноси	9 886,00	Бектемир тумани, Бектемир (собиқ Сувчи) даҳаси, Чо Мен Хи кўчаси	"ЯБХ" ИК	100,0	2 098 542 573,00	630 000 000,00	3 йил
35	Қурилиш тугалланмаган болалар боғчаси биноси	2 607,00	Бектемир тумани, Бинокор кўрғони	"ЯБХ" ИК	100,0	305 581 073,00	92 000 000,00	3 йил
36	Қурилиш тугалланмаган поликлиника биноси	3 600,00	Ҳамза тумани, Янгитобод даҳаси, Шохсанам кўчаси	"ЯБХ" ИК	100,0	744 081 879,00	284 000 000,00	3 йил
37	4 қаватли бинонинг 1-қаватидаги 180 кв.метрга тенг бўлган бир қисми	180,00	Миробод тумани, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, 1-хонадон	БФД	100,0	238 746 040,00	36 000 000,00	1 йил
38	Қурилиш тугалланмаган ётоқхона биноси	1 707,00	Миробод тумани, Қўйлик 4-даҳаси	"ЯБХ" ИК	100,0	397 645 200,00	120 000 000,00	3 йил
39	Бир қаватли бинонинг бир қисми	49,00	Сергели тумани, Дўстлик-2	БФД	100,0	19 600 000,00	6 000 000,00	1 йил
40	4 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	102,00	Учтепа тумани, Чилонзор мавзеси -22, 10-уй	ТШХКФБ	100,0	40 800 000,00	12 500 000,00	1 йил
41	ТТЗ ОАЖ тасарруфига бўлган, "Тунг-сут" савдо дўкони	239,00	Мирзо Улутбек тумани, Аҳмад Югнакий мавзеси, 33а-уй	"ТТЗ" ОАЖ	100,0	193 315 150,00	29 000 000,00	1 йил
42	Физиклар уйи	2 590,00	Мирзо Улутбек тумани, Улутбек шаҳарчаси	Ядро физикаси институти	100,0	1 840 673 120,00	276 500 000,00	1 йил
43	"Кисловодск" модуль	974,00	Мирзо Улутбек тумани, Дўрмон Ёўли кўчаси, 34-уй	Математика ва инф. тех. Институти	100,0	411 135 440,00	62 000 000,00	1 йил
44	Лаборатория биноси	1 245,00	Мирзо Улутбек тумани, Дўрмон Ёўли кўчаси, 33-уй	Электроника институти	100,0	1 158 245 460,00	174 000 000,00	1 йил
45	Опхона биноси	534,00	Мирзо Улутбек тумани, Дўрмон Ёўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	100,0	504 919 790,00	76 000 000,00	1 йил
46	Ёрдамчи биноси	121,00	Мирзо Улутбек тумани, Дўрмон Ёўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	100,0	93 835 150,00	14 500 000,00	1 йил
47	Ёрдамчи биноси	40,00	Мирзо Улутбек тумани, Дўрмон Ёўли кўчаси, 29-уй	Энергетика ва автоматика	100,0	37 658 810,00	6 000 000,00	1 йил
48	Ишлаб чиқариш биноси	8 231,00	Юнусобод тумани, Соҳибкор кўчаси, 2-уй	Математика ва инф. тех. Институти	100,0	3 499 609 260,00	1 050 000 000,00	3 йил
49	Био ва нишотлар	1 274,00	Юнусобод тумани, Эгулик кўчаси, 21-уй	БФД	100,00	1 500 000 000,00	225 000 000,00	1 йил
50	Бир қаватли бинонинг бир қисми	107,00	Яқасарой тумани, Мирахмасов кўчаси, 4 тор кўча	БФД	100,00	53 987 520,00	13 500 000,00	1 йил
51	9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми	164,00	Олмазор тумани, Ц-22, 103-уй	БФД	100,00	178 997 200,00	27 000 000,00	1 йил

Баланса сақловчи ташкилотлар:

БФД — Тошкент шаҳар бинолардан фойдаланиш бўйича департаменти
ТШХКФБ — Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси
"ЯБХ" ИК — "Ягона буюртмаси хизмати" инжиниринг компанияси
ИТБ — Инженерлик-техник базаси

"VAQT MILLIY DEPOZITARIY" ОАЖ биржа савдоларига таклиф этади!

2011 йил 19 декабрда "Тошкент РФБ" биржаси савдоларига чиқариладиган давлат акция пакетлари РЎЙХАТИ

№	Эмитент номи	Устав фондидаги улуш (%)	Савдога чиқарилаётган акциялар (дона)	1 дона акциянинг номинал қиймати (сўм)	1 дона акциянинг таклиф этилаётган бошланғич нархи (сўм)	Акциялар пакетининг бошланғич нархи (сўм)
1	«Ўзкоммаишийсавдо» ОАЖ	25	200 356	1000,0	4894,03	980548274,68

Кўшимча маълумотлар учун "VAQT MILLIY DEPOZITARIY" ОАЖга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10-уй, Тел: 232-10-45, 236-71-71.

E-mail: info@ndvakt.uz, www.ndvakt.uz, www.gki.uz

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!

"KMSX" МЧЖ Қашқадарё вилоят филиали томонидан "Ҳуқуқ" газетасининг 2011 йил 15 сентябрдаги 37(766)-сониди, ДМК Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг ХБ-740/09-сонли буйруғига асосан аукцион савдосига қўйилган Қасби тумани "Қатагон" ҚФЙга қарашли Қатагон қишлоғи ҳудудидан яқка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжалик юритиш учун ҳар бири 600 кв.метрдан иборат 88 (саксон саккиз) та ер майдонлари аукцион савдоси ДМК Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 2 ноябрдаги 02/7-937-сонли алоқа хатига асосан вақтинча тўхтатилганлигини маълум қилади.

"KMSX" МЧЖ Қашқадарё вилоят филиали маъмурияти.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси ҳаммуассислигида чоп этиб келинаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журнаlining янги сони нашрдан чиқди.

Республикаимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 15 йиллигига бағишланган ушбу сон мундарижасидан ҳам давримизнинг долзарб масаларига бағишланган бир қатор таҳлилий мақолалар ўрин олган.

Журналнинг янги сони



Жумладан, "Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 20 йиллиги" рубрикасида остида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Н.Йўлдошев,

Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Б.Алихонов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ф.Мирзаев, ТДЮИ тадқиқотчиси Э.Ешмуратовларнинг мақолалари чоп этилган.

"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ри-возлантириш концепцияси" рубрикасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати С.Турсунов, юридик фанлар доктори З.Ибрагимов, Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи И.Тургунов, тадқиқотчи Т.Саидовларнинг таҳлилий мақолаларини ўқишингиз мумкин.

"Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият" сарлавҳасида чоп

этилган хронологик мазмундаги мақола Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фаолиятининг 15 йиллигига бағишланган.

Журналнинг янги сониди "Инсон ва ҳуқуқ" рубрикасида тадқиқотчи С.Қувватов, "Халқаро ҳуқуқ" рубрикасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, ЮНЕСКОнинг "Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари" кафедраси ўқитувчиси О.Алламбергенов, Андижон вилоят хўжалик суди катта маслаҳатчиси Ф.Думаев, "Сиртки ҳуқуқий маслаҳатхона" руб-

рикасида тадқиқотчи Д.Атажанова, "Мозийдан садо" рубрикасида Қарши Давлат университети катта ўқитувчиси М.Усмоновларнинг мақолалари чоп этилган. Шунингдек, журналдан бир қатор олим ва тадқиқотчиларнинг инглиз ва рус тилларидаги илмий мақолалари ҳам жой олган.


"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журнаlining янги 2011 йил 3-сон муролааси бугунги ислохотлар жараёни, унинг долзарб масалалари ҳусусида мушоҳадага чорлайди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Ҳарбий прокуратура заҳирадаги адлия подполковниги Бахтёр АБДУҚОДИРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон сўнгги босқичда

Жаҳон чемпионати-2014 Осиё қитъаси 3-саралаш баҳсларига қўрғаш ташланганда Ўзбек футболчи мухлислари қалбига ҳавотир соя ташлангандек бўлган эди. Осиёнинг энг кучли терма жамоаси бўлиши Япония, ЖАРда ўтказилган жаҳон чемпионати иштирокчиси Шимолий Корея ҳамда сўнгги Осиё чемпионатида аjoyиб ўйин кўрсатган Сурия терма жамоалари билан бир гуруҳдан жой олган Вадим Абрамовнинг шогирдларини олинда жиддий синовлар кутиб турган эди.



Максудали ҚАМБАРОВ,
«Huquq»

Аввалига Сурия термаси ФИФАдан рухсат олмай туриб, асли келиб чиқиши швейцариялик бўлган Жорж Муроднинг таркибига қўшиб олгани учун гуруҳимиздан чиқариб ташланди. Суриянинг ўрнига Тожикистон терма жамоаси қўшилди. Шундан сўнг гуруҳимизга таъриф берган мутахассислар, гуруҳдаги биринчи ўрин шак-шубҳасиз Японияники, иккинчи ўрин учун эса Шимолий Корея ва Ўзбекистон терма жамоалари кураш олиб боришини эътироф этишди. Аммо амалда ундай бўлиб қичмади. Ўтказилган 5 та турдан сўнг Ўзбекистон миллий терма жамоаси мухлислари кутганидан-да яхшироқ натижаларни қайд этиб, гуруҳ пешқадамлигини кўлга олди. Бундан ташқари, улар муддатидан илгари кейинги босқич масаласини ҳал қилиб бўлишди.

Ким ўйлабди дейсиз, Вадим Абрамов шогирдлари ҳар икки ўйинда ҳам Шимолий Кореяни мағлубиятга учраталади, деб. Очиги, шахсан мен бундай натижани кутмаган эдим. Тўғри, Пхеньяндаги ўйинда омад бизникилар тарафидан бўлди. Ўйиннинг дастлабки дақиқаларида-ноқ, Шимолий кореялик футболчилар ҳужумга ташланиб, Игнатий Нестеровнинг дарвозаси олдида катор хавфли вазиятларни юзага келтиришганди. Гоҳида рақибларнинг ноаниқ ҳаракати, гоҳида химоячиларимизнинг фидоилиги, гоҳида эса омад тўфайли дарвозамиз дахлсизлиги сақланиб қолинди. Ўша учрашувда терма жамоамизнинг бугунги кундаги ишонган ҳужумчиси Александр Гейнрих мураккаб вазиятда бўлишига қарамай рақиб дарвозасини ишғол этиб, терма жамоамизга галаба келтирган эди.

Тошкентдаги жавоб ўйини аввалданок кескин курашларга бой бўлиши аниқ эди. Сабаби, Шимолий Корея учун бу учрашув ўта муҳим ҳисобланиб, уларни фақат ва фақат галаба қониқтирарди. Хаттоки дуранг ҳам сўнгги жаҳон чемпионати иштирокчиларини ўйиндан ташқари ҳолатга чиқариб қўяр эди. Шунинг учун ҳам меҳмонлар дастлабки дақиқалардан бошлаб ҳужумга зўр беришарди, деб тахмин қилган эдим. Аксинча, Вадим Абрамов шогирдлари ҳақамнинг хуштаги чалиниб, ўйин бошланиши билан рақибни ўз

жарима майдончасига қамаб қўйди. Шундан сўнггина Шимолий кореялик футболчилар таваккал қилиб олдинга интилишдан қўра, қарши ҳужумларда ўз тезкорликларини ишга солиб, керакли натижани кўлга киритишни ният қилганликларини сезилиб қолди. Вакилларимиз эса ташаббусни кўлда ушлаб турган ҳолда кетма-кет ҳужумлар ташкил этишди. Дастлабки хавфли вазиятда Шацкихнинг бош билан берган зарбаси бировноаниқ кетди. Биринчи бўлимда энг хавфли вазияти Кападзенинг ҳужумга қўшилганидан сўнг юзага келди. У Шацких билан девор услубида ўйнаб, рақиб жарима майдонига кириб борди ва тўпни Гейнрихга етказиб берди. Ўз навбатида Саша боши билан зарба берди. Аввалига тўп дарвоза тўсисига, кейин дарвозабонга тегиб қайтди. Кореялик химоячилар тўпни ўз жарима майдонларидан узоқлаштиришга уринишди-ю, аммо тўп яна вакилларимизга келиб тушди. Вагиз Галиуллиннинг зарбасидан сўнг, тўп дарвоза устунига тегди.

Ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборган Шимолий кореялик футболчиларнинг олдинга ташланишдан бошқа иложлари қолмади. Шундан сўнг жамоаларнинг ўйин услублари ҳам ўзгарди. Аввал Ўзбекистон терма жамоаси очик футбол таклифи эътиборини бўлса, ишқобда олдинга чиқиб олганидан кейин кўпроқ тўпни ўз назоратида ушлаб туриб, рақибга ҳужум қилиш имкониятини қолдирмасликка ҳаракат қилди. Меҳмонлар эса қарши ҳужум тактикасидан воз кечиб, фақат ҳужумда омадларини сынаб қўришга интилишди. Бирок, қолган дақиқаларда тўп киритиш мезбонларга ҳам, меҳмонларга ҳам насиб қилмади.

ЎЗБЕКИСТОН — ШИМОЛИЙ КОРЕЯ — 1:0

15 ноябрь куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси 5-тур доирасида қўшни Тожикистон терма жамоасини қабул қилди. Бу баҳсга қадар вакилларимиз гуруҳдан чиқиш масаласини муддатидан олдин ҳал этиб қўйишдан бўлса-да, ён қўшнилар тўқнашуви доимо қизиқарли эканлиги билан ўз аҳамиятини йўқотмаслигини яхши англаб туришарди. Вадим Абрамов Тожикистон терма жамоасига қарши ҳужумкор тактика таллади. Одил Ахмедов химоядан чиқиб, ҳужумларни ташкиллаштириш

да фаол иштирок этди. Умуман, барча футболчиларимиз шу кунги ортиқча босимсиз, эркин ҳаракат қилишди. Ташаббус тўлиғича вакилларимиз томонидан бўлди. Алишер Тўйчиев дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятлар юзага келган бўлса-да, бироқ ҳадеганда ҳисоб очилавермади. Ўйинни бевосита майдондан кузатаётган мухлислар эса футболчиларимиздан гол талаб қилишарди. Ниҳоят Санжар Турсунов узоқ кутилган голни киритди. Темур Кападзенинг аjoyиб тўп оширишдан сўнг ўнг қанотдан рақиб жарима майдонига кириб борган Санжар бир уринишда химоячини алдаб, дарвозабоннинг оёқлари остидан тўпни дарвозага жойлаб қўйди.

Иккинчи бўлимда рақиблар бироз жонлангандек бўлишди. Тайм бошида тожикистонлик футболчилар Нестеров дарвозаси олдида хавфли вазиятларни юзага келтиришга бошлашди. Аммо Вадим Абрамовнинг шогирдлари тезкорлик билан яна ташаббусни ўз қўлларига олишди. Позицион ҳужумлар самара беравермагач, футболчиларимиз узоқ масофалардан Алишер Тўйчиев кўриқлаётган дарвозани ишғол қилишга уриниб қўришди. Бу борада Одил Ахмедов ўзини кўрсатди. Олдиннинг биринчи зарбаси ноаниқ кетган бўлса, иккинчи ва учинчи уринишнинг рақиб дарвозабони катта қийинчилик билан қайтаришга муваффақ бўлди. Аммо тўртинчи зарба барибир дарвоза тўридан жой олди. Азиз Хайдаровдан тўпни қабул қилиб олган Ахмедов масофа узоқ бўлишига қарамай, дарвоза томон зарба берди. Тўп химоячилардан бирига тегиб, рақиб дарвозасига бориб тушди.

Терма жамоамизнинг учинчи голи эса ҳақиқий маънода бу учрашувнинг безаги бўлди. Одил Ахмедов тўпни ҳавола-тиб, ўнг қанотдан олдинга ташланган Санжар Турсуновга етказиб берди. Ўз навбатида Санжар тўпни ерга ту-

шириб ўтирмай, жарима майдони ичига ташлади. Александр Гейнрих эса тўпни боши билан дарвозага киритди. Ўйин тугаши арафасида Саша яна бир бор Алишер Тўйчиев дарвозасини ишғол қилди. Бироқ учрашув ҳақами ўйиндан ташқари ҳолат, дея голни инobatга олмади. Ваҳоланки, ўша вазиятда Гейнрих сўнгги химоячидан оқроқда эди. Тўғри, ўнг қанотдаги Улугбек Бақоев ўйиндан ташқари ҳолатда қолгандек туюлди. Аммо тўп унга оширилмаганди. Бу голнинг инobatга олиниши ёки олинмаслиги катта аҳамият касб этмайдми. Асосийси, Вадим Абрамовнинг шогирдлари галаба қозонишди. Фақатгина терма жамоамиз аъзоларининг ҳаддан зиёд кўп сарф қарточка олганликларини кўнгилни хира қилди. Бу эса кейинги ўйинларга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН — 3:0

Умуман олганда, терма жамоамиз гуруҳдаги асосий рақиб билан бўлган ҳар икки учрашувда ҳам, Тожикистонга қарши кечган ўйинда ҳам галаба қозониб, ўзинга керакли натижани кўлга киритди. Айниқса, «Пахтакор» марказий ўйингоҳидаги КХДР футболчилари билан бўлган баҳсда вакилларимиз тартибли ўйин кўрсата олишди. Тўп оширишда ҳам хатоларнинг жуда кам учрагани қувончли ҳол, албатта. Футболчиларимиз майдонда бир-бирларини яхши тушуна олишарди. Буюк боқалонимиз Амир Темурнинг «Куч бирлиқда» ўғитини шир қилиб олган Ўзбекистон терма жамоаси амалда ҳам бунга эришишининг уддасидан чиқмади.

Энди гуруҳдаги ҳолатга эътибор қаратсак: 5-турда Япониянинг Шимолий Кореяда мағлуб бўлгани биз учун қўл келди. Ўзбекистон терма жамоаси 5 ўйинда 13 очко ҳамғамриб, гуруҳ пешқадами бўлиб олди.

«С» ГУРУҲИ

№	Жамоа	С	Ф	Д	Л	Т	Н	О
1	Ўзбекистон	5	4	1	0	7	1	13
2	Япония	5	3	1	1	14	2	10
3	КХДР	5	2	0	3	2	3	6
4	Тожикистон	5	0	0	3	0	17	0

Бошқа гуруҳларда ҳам деярли 4-босқичга йўл олган жамоаларнинг номи аниқланди. «А» гуруҳида Иордания ва Ироқ бир хил, 12 очқодан ҳамғамриб, кейинги босқич масаласини ҳал қилиб бўлишди. «В» гуруҳида эса вазият бироз чигал. Жанубий Корея ва Ливанда 10 тадан, Қувайтда эса 8 очко мажбур. Демак, бу гуруҳда ҳаммаси сўнгги турда маълум бўлади. «Д» гуруҳида Австралия 12 очко билан 4-босқичда. Бирок иккинчи ўринни кўлга киритиш учун бир йўла Саудия Арабистони, Уммон ва Таиланд терма жамоаларида ҳам имконият сақланиб қолган. «Е» гуруҳида Эрон барча масалага ойдинлик киритиб бўлди. Иккинчи йўлланма учун эса Қатар ва Бахрайн терма жамоалари кураш олиб боришарди.

Huquq
yuridik gazeta

Муассис:
Ўзбекистон
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:

Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

233-10-53

Faks: 233-10-53,

233-64-85

Gazeta haftanavbati payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-3169. 48 616 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **M.DUSIYAROVA**
Musahih: **M.QAMBAROV**
Navbatchi: **O' DEHODNOV**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ko'rsatga olingan.

